БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 32 (4238).

14 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА 1971 ЙИЛ

Баҳоси 3 тийин.

Тўққизинчи беш йиллик план Совет жамиятининг коммунизм йўлидан, унинг моддий-техника базасини қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қараб қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. Беш йилликнинг энг асосий вазифаси— социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҚАРОРИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971–1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИ ДИРЕКТИВАЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИ ТЎҒРИСИДА

1. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съезди директиваларининг лойиҳаси маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг директивалари» лойиҳаси матбуотда эълон қилинсин.

3. КПСС Марказий Комитетининг «СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилги беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг директивалари» лойиҳаси партия ташкилотларида, меҳнаткашларнинг йиғилишларида ва матбуотда муҳокама қилинсин.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. БРЕЖНЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ЛОЙИҲАСИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

Совет халқи КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошира бориб, коммунизмнинг моддий техника базасини яратишда янги-янги ғалабаларга эришди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, социал вазифаларни ҳал этишда, совет кишиларининг моддий турмуш ва маданий савиясини оширишда катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги мустаҳкамланди, социалистик демократия янада ривож топди. Ватанимизнинг халқаро обрўйи ошди. Совет Иттифоқининг мудофаа қуввати мустаҳкамланди.

Эришган ҳамма муваффақиятларимиз — ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари, барча иттифоқдош республикалар меҳнаткашлари фидокорона меҳнатининг натижасидир. Ана шу муваффақиятларга эришишда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг раҳбарлик ва раҳнамолик роли, унинг олиб борган изчил ленинча сиёсати янги куч билан намоён бўлди.

I. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йиллардаги асосий якунлари

КПСС XXIII съездининг халқ хўжалигини ривожлантириш 1966—1970 йилги беш йиллик плани юзасидан Директивалари энг муҳим иқтисодий ва социал кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди.

СССР халқ хўжалиги шу даврда юксак суръатлар билан ва аввалги беш йилдагидан анча самарали ривожланди. Аҳоли турмуш даражасини ошириш суръатлари анча жадаллашди.

Миллий даромад 1970 йилда 1965 йилги даражадан 41 процент кўпайди, миллий даромадни оширишнинг ўртача йиллик суръатлари эса 1961—1965 йиллардагидан юқори бўлди. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1,5 баравар ортди.

Халқ хўжалигида техника тараққиётини ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлаб берадиган тармоқлар юксак суръатлар билан ривожлантирилди. Масалан, беш йилликда электр энергетика маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 54 процент, машинасозлик ва металл ишлаш маҳсулоти ҳажми 74 процент, шу жумладан приборсозлик маҳсулоти ҳажми 2 баравардан зиёд, химия ва нефть химияси саноати маҳсулоти ҳажми 78 процент кўпайди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш анча тезлаштирилди. Бу молларни ишлаб чиқариш йилига ўрта ҳисобда шундан аввалги беш йилдаги 6,3 процент ўрнига 8,3 процентдан кўпайиб борди. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришда узоқ муддат фойдаланиладиган моллар улуши кўпайди.

Мамлакатнинг иқтисодий потенциали юксалди, халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари беш йил ичида 1,5 баравар кўпайди.

Халқ хўжалигига беш йил мобайнида жами 352 миллиард сўм ёки шундан аввалги беш йилдагига қараганда 1,4 баравар кўп ҳажмда капитал маблағ сарфланди. 54 миллион киловатт электр энергия ишлаб чиқарадиган янги қувватлар, 18 миллион тонна пўлат, 33 миллион тонна минерал ўғит, 17 миллион тонна цемент, 148 миллион жуфт чарм пойафзал, 400 миллион дона трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди; магистрал газ қувурлари узунлиги 25 минг километр кўпайтирилди. Халқ хўжалиги тармоқларини техника билан таъминлаш даражаси ошди.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан, шунингдек деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлиги ошди. 1966—1970 йилларда қишлоқ хўжалигининг ўртача йиллик ялпи маҳсулоти ҳажми 1961—1965 йиллардагидан 21 процент ортиқ бўлди.

Транспорт ва алоқанинг ҳамма турлари янада ривож топди. Темир йўлларда паровозларни электровоз ва тепловозлар билан алмаштириш асосан тугалланди.

Ҳамма иттифоқдош республикаларда экономика ва маданиятни юксалтиришда катта муваффақиятларга эришилди.

Мамлакатнинг шарқий районларида ёқилғи саноатининг ва энергияни кўп талаб қиладиган бир қанча ишлаб чиқаришларнинг қувватлари юксак суръатлар билан ривожланиб борди. Ғарбий Сибирда, Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда нефть ва газ қазиб чиқариш жуда кўпайтирилди. Узоқ Шарқ экономикаси анча мустаҳкамланди.

Совет фани ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг актуал проблемаларини ҳал этишга катта ҳисса қўшди. Фундаменталь фанлар соҳасидаги муваффақиятлар саноат, қишлоқ хўжалигидаги ва бошқа тармоқлардаги кўпгина илмий-техникавий вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини берди. Ишлаб чиқариш кучларини комплекс ва мақсадга мувофиқ ҳолда жойлаштириш ва ривожлантиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилди. Совет космонавтикасининг янги жуда катта муваффақиятлари мамлакатимизда фан ва техника юксак даражада ривожланганлигидан яққол далолат бериб турибди.

Техника тараққиёти, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янгича методларини қўлланиш асосида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди. Ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари жадаллаштирилди. Корхоналарнинг олаётган фойдаси кўпайди ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ошди.

Аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш юзасидан КПСС XXIII съезди белгилаб берган асосий топшириқлар ортиғи билан бажарилди. Беш йиллик мобайнида аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар мўлжалдаги 30 процент ўрнига 33 процент кўпайди. Аҳолининг саноат ва озиқ-овқат молларини истеъмол қилиши анча кўпайди, уй-жой шароити яхшиланди, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари янада ривож топди.

КПСС XXIII съезди Директиваларида ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақини камида 20 процент ошириш кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса 26 процент оширилди ва 1965 йилдаги 96,5 сўмдан 1970 йилда 122 сўмга етди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишчи ва хизматчиларнинг минимал иш ҳақи оширилди. Узоқ Шимол районларида ва шу районларга тенглаштирилган жойларда ишловчи кишилар учун белгиланган имтиёзлар кенгайтирилди. Узоқ Шарқ, Шарқий Сибирь ва Европа шимолидаги районларда жорий этилган район коэффициентлари шу районлардаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини оширишни таъминлади. Бир қанча категориядаги ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган даромад солиги ставкалари пасайтирилди. Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштириш давом эттирилди. Колхозларда меҳнатга гарантияланган ҳақ тўлаш жорий этилди. Колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ 1970 йилда 1965 йилдагига нисбатан 42 процент кўпайтирилди.

Ишчи ва хизматчилар икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтасига ўтказилди. Ишчи ва хизматчилар отпускасининг минимал муддати узайтирилди.

Аҳолига ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ва имтиёзлар беш йил мобайнида 1,5 баравардан зиёд кўпайди. Бундай тўлов ва имтиёзлар аҳоли жон бошига ҳисобланганда 1965 йилдаги 182 сўм ўрнига 1970 йилда 262 сўмга етди.

Ватан уруши инвалидлари пенсияларининг миқдори кўпайтирилди, колхозчиларга қариликка пенсиялари тайинланадиган ёш камайтирилди, социал страхование яхшиланди.

Товар оборотини кўпайтириш юзасидан партия XXIII съезди белгилаган топшириқлар оширибгина бажарилди, товар оборотининг ҳажми беш йилда деярли 1,5 баравар кенгайди. Аҳолига кийим-кечак ва пойафзал, узоқ муддат фойдаланиладиган буюмлар — телевизорлар, холодильниклар, мебель, шунингдек энг зарур озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш ортди.

1966—1970 йилларда мамлакатда жами саҳни 518 миллион квадрат метр уй-жой бинолари қурилди, бу эса 55 миллионга яқин кишининг уй-жой шароитини яхшилаш имконини берди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш юксак суръатлар билан ривожлантирилди, ана шундай хизматлар ҳажми икки баравардан зиёд, шу жумладан қишлоқ жойларда уч баравар кўпайтирилди.

Аҳолининг умумий билими ва маданий савияси ошди. Ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. 8,1 миллион ўринли мактаблар ва 2,5 миллион ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилди. Беш йиллик мобайнида олий маълумотли 2,6 миллион мутахассис ва ўрта махсус маълумотли 4,5 миллион мутахассис тайёрланди. Ҳунар-техника таълими билим юртлари ва мактабларида 7 миллион малакали ишчи тайёрланди. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ва унинг ташкилий равишда дам олиши учун бўлган шароит яхшиланди, кино-театрлар, клублар, кутубхоналар кўпайтирилди.

Совет Иттифоқининг ташқи иқтисодий алоқалари кенгайтирилди. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик формалари ҳамда СССРнинг халқаро ишлаб чиқариш ва илмий-техникавий ихтисослаштириш ва кооперативлаштиришдаги иштироки формалари такомиллаштирилди.

Беш йиллик планни бажариш давомида камчиликлар содир бўлди. Ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш юзасидан белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмади, янги корхоналар ва ишлаб чиқаришларни қуриш ҳамда ўзлаштириш муддатлари чўзилиб кетди. Шунинг натижасида саноат маҳсулотининг айрим турларини ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган даражага эришилмади. Қурилишни лойиҳалаш ва ташкил этишдаги камчиликлар ҳали ҳам тугатилгани йўқ, бу эса бир қанча тармоқларда қурилишнинг қимматлашиб кетишига сабаб бўлди.

Моллар ишлаб чиқариш тез кўпайтирилганлигига қарамай, аҳолининг айрим молларга бўлган ва ўсиб бораётган талаби ҳали тўлиқ қондирилмаётир. Савдо ташкилотлари бир қанча ҳолларда истеъмолчиларнинг талабини етарли ўрганмаётир, савдо-сотиқ ишларини ташкил этишда зарур даражада омилкорлик кўрсатмаётир, маҳсулотнинг сифати ва турлари хусусида саноатга талабчанлик қилмаётир.

Бир қанча корхоналарда маҳсулотнинг техникавий савиясини ва сифатини ошириш, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг илмий методларини жорий қилиш ишларидуруст олиб борилмаётир. Айрим хўжалик раҳбарлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан тўлиқ фойдаланиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига лозим даражада эътибор бермаётирлар.

Кўпгина колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорвачиликнинг маҳсулдорлиги суст оширилмоқда, техникадан тўлиқ фойдаланилмаётир, минерал ўғитнинг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда, ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги ҳали ҳам паст. Шу сабабли қишлоқ хўжалигининг айрим маҳсулотларини етиштириш бўйича топшириқлар тўла бажарилмади.

Министрликлар билан идоралар халқ хўжалигининг ва аҳолининг тегишли тармоқ маҳсулотига бўлган эҳтиёжларини етарли равишда ўрганмаётир, уларнинг эҳтиёжини ўз вақтида ва тўлиқ қондириш учун лозим даражада кураш олиб бормаётир. Айрим корхоналар маҳсулотни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш планларини бажармаётир, исрофгарчиликларга ва унумсиз харажатларга йўл қўймоқда.

Экономикамизни ривожлантиришдаги камчиликларни тугатиш, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштириш, халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадбирлар ижтимоий ишлаб чиқаришни янада ўстиришни ва унинг самарадорлигини оширишни таъминлаш имконини беради.

II. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йиллардаги асосий вазифалари

Тўққизинчи беш йиллик план совет жамиятининг коммунизм йўлидан, унинг моддий-техника базасини қуриш, мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш йўлидан олға қараб қилаётган ҳаракатида муҳим босқич бўлади. **Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришни жадаллаштириш негизида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анча юксалтиришни таъминлашдан иборат.**

Беш йилликнинг энг асосий вазифасини амалга оширмоқ учун:

ижтимоий ишлаб чиқаришни, айниқса қишлоқ хўжалигини, енгил ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг юксак суръатларини ва пропорционал тараққий эттиришни таъминлаш, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари самарадорлигини анча ошириш; беш йил мобайнида мамлакатнинг миллий даромадини 37—40 процент кўпайтириш, айни вақтда бу кўпайтиришнинг камида 80 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришиш;

фаннинг энг истиқболли соҳаларидаги тадқиқотларни ҳар томонлама ривожлантириш ва илмий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатларини қисқартириш йўли билан фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш; қўл меҳнати ўрнига машина меҳнатини кенг қўламда жорий қилиш, халқ хўжалигининг тармоқ ва ички тармоқ структурасини такомиллаштиришни таъминлаш;

меҳнаткашларнинг билим ва малака савиясини изчиллик билан ошириш, ёшларга умумий ўрта таълим беришга ўтишни тугаллаш, янги техника жорий этилиши ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг яхшиланиши муносабати билан юқори малакали мутахассислар ва ишчилар тайёрлашга ҳамда кадрларни қайта тайёрлашга доир зарур тадбирларни амалга ошириш;

коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ ишлаб чиқаришни бошқаришни, планлаштиришни ва иқтисодий рағбатлантиришни такомиллаштириш ишини давом эттириш; бошқаришда энг яхши техникани қўлланиш, экономикани бошқаришга меҳнаткашларни кенг қўламда жалб қилиш;

меҳнатни илмий ташкил қилишни бутун чоралар билан жорий этиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш формалари ҳамда методларини такомиллаштириш зарур.

Янги беш йилликнинг асосий вазифаларига асосланиб:

1. Социал тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилсин:

аҳоли даромадларини кўпайтириш соҳасида. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар тахминан 30 процент кўпайтирилсин, бунда аввалгидек меҳнатга яраша ҳақ тўлаш аҳоли даромадларини кўпайтиришнинг асосий манбаи бўлиб қолиши лозимлиги назарда тутилсин. Минимал иш ҳақини янада ошириш кўзда тутилсин.

Аҳоли реал даромадларини кўпайишини таъминлаш учун товар ресурслари анча кўпайтирилсин, бозорга юқори сифатли молларнинг зарур турлари кўпроқ чиқарилсин, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми кенгайтирилсин. Халқ истеъмоли молларининг давлат чакана нархлари стабеллиги таъминлансин, товар ресурслари жамғарилиб борган сари айрим турдаги товарларнинг нархлари пасайтириб турилсин.

Ижтимоий истеъмол фондлари 40 процент кўпайтирилсин, фондларнинг ана шу кўпайтирилиши соғлиқни сақлашни яхшилашга, халқ маорифини ривожлантиришга, кадрлар тайёрлашга ва болаларни тарбиялашга, ишчилар, хизматчилар, колхозчиларнинг пенсияларини ва ўқувчиларнинг стипендияларини оширишга ишлатилсин;

Меҳнат соҳасида. Меҳнат ресурсларидан тағин ҳам самарали фойдаланилсин. Ишлаб чиқаришнинг техникавий савиясини ошириш асосида халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида қўл меҳнатини ва оғир меҳнатни, шунингдек малакасиз меҳнатни изчиллик билан қисқартириб борилсин.

Меҳнат шароитининг янада яхшиланиши таъминлансин, корхоналарнинг хавфсизлик техникаси ва меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситалари билан таъминланиши оширилсин;

Маиший турмуш соҳасида. Уй-жой қурилишини янада ривожлантириш ва турар жой биноларининг ободончилигини ошириш асосида аҳолининг уй-жой шароити яхшилансин. Турмушда электр энергиядан ва газдан тағин ҳам кенг миқёсда фойдаланишни таъминлаш иши давом эттирилсин. Уй-жой фондининг асосий қисмини газ билан таъминлаш амалга оширилсин, кичик шаҳарларда, ишчи посёлкаларида ва қишлоқ жойларда газ билан таъминлаш иши кенгроқ ривожлантирилсин.

Аҳолининг вақтини тежашга ва рўзғордаги меҳнатни енгиллаштиришга қаратилган тадбирларнинг кенг системаси амалга оширилсин. Савдо хизматининг ҳамма формалари яхшилансин. Айниқса ишлаб чиқаришда умумий овқатланиш корхоналари тармоғи кенгайтирилсин. Аҳолига социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатиш яхшилансин. Оилалар рўзғор машиналари билан яхшироқ таъминлансин. Шаҳар транспорти ривожлантирилсин, телефон алоқаси кенгайтирилсин;

шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштириш соҳасида. Колхозларда меҳнат унумдорлигини ошириш асосида колхозчиларнинг иш ҳақи совхозлар ходимлари тегишли категориясининг иш ҳақига жуда яқинлаштирилсин.

Қишлоқда чакана товар оборотининг тағин ҳам тез ривожланиши таъминлансин, қишлоқ аҳолисига маданий ва маиший хизмат кўрсатиш юксак суръатлар билан ривожлантирилсин, ёшларнинг қишлоқ хўжалик ихтисосларини ўргатиб олиши учун катта имкониятлар яратиб берилсин.

Қишлоқларда йўл қурилиши ва қишлоқ жойларда мунтазам автобус қатнови кенгайтирилсин.

Асосан бутун мамлакат территориясида барқарор телевизион кўрсатувларни таъминлаш ишлари ўтказилсин.

2. Фан-техника тараққиётининг суръатлари жадаллаштирилсин ва ягона техника снёсатини амалга ошириш таъминлансин, бунинг учун:

ўзининг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан Ватанимиздаги ва жаҳондаги энг яхши ютуқлардан устун бўлган принципиал янги меҳнат қуроллари, материаллар ва технология жараёнлари яратилиб, жорий этилсин;

(Давоми иккинчи бетда)

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(Боши биринчи бетда)

технология ускуналари паркининг техникавий савияси тезроқ оширилсин, шунингдек маънавий эскириб қолган машина ва агрегатлар тезроқ алмаштирилсин ва модернизация қилинсин, айни вақтда машинасозликнинг тегишли тармоқларини зарур даражада ривожлантириш кўзда тутилсин. Ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг янги анча қисқа амортизация муддатлари ишлаб чиқилиб ва муттасил жорий этилиб, кам самара берадиган капитал ремонт ҳажми чеклаб қўйилсин ҳамда сийқаланган ва маънавий эскирган асбоб-ускуналарни алмаштириш учун ажратиладиган амортизация ажратмаларининг улуши кўпайтирилсин.

янги техникани ишлаб чиқиш ва саноатнинг асосий тармоқлари структурасини тузиш чоғида асосий хом ашё ва материалларнинг сифат характеристикаларини яхшилаш, улардан янада тўлиқ ва комплекс фойдаланиш, шунингдек қайта ишлаш саноати тармоқларида пардозлаш ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳисобига ишлаб чиқаришда металл сарфини камайтириш таъминлансин.

Ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишда қуйидагилар кўзда тутилсин:

энергетика базаси соҳасида — ишлаб чиқаришни электрлаштириш ва энергиядан фойдаланиш самарадорлиги даражаси оширилсин; Электр-технология жараёнлари тағин ҳам кенг жорий этилсин; технология ва иситиш эҳтиёжлари учун буғ ва иссиқ сув ишлаб чиқаришни рационал равишда бир жойга тўплансин ва марказлаштирилсин, майда қозон ва электр силовой станциялар аста-секин тугатилсин;

материаллар соҳасида — янги, энг тежамли материаллар, шу жумладан полимер ва алоҳида соф материаллар яратилиб ўзлаштирилсин; металларни ва бошқа саноат материалларини пухталаштиришнинг энг янги методлари ривожлантирилиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинсин; ишлаб чиқарилаётган матералларнинг сортлари кўпайтирилсин;

меҳнат қуроллари соҳасида — саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва транспортда энг муҳим ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш тугаллансин; асосий технология агрегатларининг тежамлилиги ҳисобга олиниб, уларнинг бирламчи қуввати кўпайтирилсин. Программали ҳисоб бошқармаси бўлган автомат ускуналар ишлаб чиқариш ва жорий этишни ўстиришнинг юксак суръатлари таъминлансин;

технология соҳасида — прогрессив, айниқса узлуксиз, технология жараёнлари кенг жорий этилсин; химиявий технологиянинг янги жараёнлари, электроникадан фойдаланишга асосланган жараёнларни ишлаб чиқиш ва саноатда жорий этиш жадаллаштирилсин. Янги қувватларни ишга тушириш чоғида фақат замонавий технологиядан фойдаланиш зарурлигига асосланиб иш тутилсин;

маълумотларни ишлаб чиқиш ва бошқарув соҳасида — маълумотларни ишлаб чиқиш жараёнларига ва бошқарув жараёнларига ҳисоблаш техникаси кенг миқёсда жорий этилсин. Ҳисоблаш техникасининг серунум воситаларини, кичик ҳисоб машиналарини, шунингдек маълумот бериш воситаларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Электрон-ҳисоблаш машиналарини маълумотни бериш ва олишни таъминлайдиган ҳамма қурилмалар ва типовой программалар мажмуаси билан бирга кўплаб ишлаб чиқариш амалга оширилсин.

Стандартларнинг илмий-техникавий даражаси ва уларнинг маҳсулот сифатини яхшилашдаги роли оширилсин. Амалдаги стандартлар ва техникавий шартлар янгиланиб, эскириб қолган кўрсаткичларнинг алмаштирилиши ҳамда халқ хўжалигининг маҳсулот техникавий даражаси ва сифати юксак бўлишини гарантиялайдиган талаблари ўз вақтида акс эттирилиши таъминлансин.

Тармоқлараро қўлланиладиган машиналар билан механизмларнинг заготовкалари, узеллари ва деталлари, инструментлар ва технология мосламалари тайёрлашни унификация қилиш ва нормалаштириш, уларни тайёрлаш технологиясини типлаштириш, бир хил узеллар ва деталларни ишлаб чиқиш вақтида улардан фойдаланиш жараёнида батамом бир-бирининг ўрнини босишини таъминлаш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Техникани модернизация ва ремонт қилишнинг техникавий даражаси ва самарадорлиги оширилсин. Техникани модернизация ва ремонт қилиш учун керакли узеллар, агрегатлар ва деталларни марказлашмаган ҳолда тайёрлаш практикасидан уларни тегишли техникани тайёрловчи корхоналарда ихтисослаштирилган тарзда ишлаб чиқаришни ташкил этишга аста-секин ўтиш амалга оширилсин. Машина-ускуналарни тайёрлаб берувчи корхоналар ўзлари чиқараётган техникани алмаштириладиган ва ремонт қилинадиган деталлар ҳамда узеллар билан таъминлаш учун ва унинг эксплуатацион сифатлари учун жавоб бериши керак.

Фан-техника ахбороти яхшилансин, техника, технология, ишлаб чиқаришни ва бошқарувни ташкил этиш соҳасидаги фан-техника ютуқлари ва илғор тажриба манфаатдор тармоқлар билан корхоналарга мунтазам равишда бериб турилиши таъминлансин.

3. Фундаменталь ва амалий илмий-тадқиқотлар ҳар томонлама ривожлантирилсин ҳамда уларнинг натижалари халқ хўжалигига тезроқ жорий этилсин.

Янги беш йилликда қуйидагилар таъминлансин:

халқ хўжалигида математик методлардан ва электрон-ҳисоблаш техникасидан тағин ҳам кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш учун назарий ва амалий математика ҳамда кибернетика проблемалари тағин ҳам мукаммал ишлаб чиқилсин;

янги материалларни ҳамда уларни ишлашнинг самарали методларини яратиш мақсадларини кўзлаб ядро физикаси, қаттиқ жисм ва ярим ўтказгичлар физикаси, квант электроникаси, паст ҳароратлар физикаси соҳасидаги тадқиқотлар ривожлантирилсин, энергияни ўзгартириш методлари янада такомиллаштирилсин, ҳаракатчан нейтронлар асосида ишловчи реакторлар саноат усулида ўзлаштирилсин, термоядро синтези, ядро ва радиация жараёнларидан фанда ва практикада фойдаланиш проблемалари ҳал этилсин, электроника, радиотехника ва ҳисоблаш техникаси янада ривожлантирилсин;

йўлдошлар, автомат аппаратлар ва бошқариладиган аппаратлар ёрдамида олис телефон-телеграф алоқасини, телевидениени, метеорология қандай бўлишини айтиб беришни ривожлантириш ҳамда табиий ресурсларни ўрганиш, география тадқиқотлари ўтказиш ва халқ хўжалигининг бошқа вазифаларини ҳал этиб бериш, шунингдек Ойни ва Қуёш системасидаги сайёраларни фундаметаль илмий тадқиқ қилишни давом эттириш мақсадида космосдаги илмий ишлар давом эттирилсин;

фойдали қазилмаларнинг жойланиш қонуниятларини аниқлаш, уларни қидириш, қазиб олиш ва саралаш методларининг самарадорлигини ошириш мақсадида геология, геофизика ва геохимия соҳасида тадқиқотлар ўтказилсин;

табиий ресурслардан, шу жумладан денгизлар ва океанларнинг ресурсларидан тағин ҳам кенг ва рационал фойдаланиш проблемаларини ишлаб чиқиш учун океанология, атмосфера физикаси, география соҳасидаги илмий ишлар ривожлантирилсин; инсонни қуршаб турган табиий муҳитни яхшилаш ва табиат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш мақсадида табиатни муҳофаза қилиш ва ўзгартиришнинг илмий асослари ишлаб чиқилсин;

айниқса янги полимер ва ноорганик материалларни ҳосил қилишнинг, алоҳида соф моддалар олишдаги ғоят самарали химик-технологик ва электр химик жараёнлар ҳамда тежамлик методларининг илмий асосларини такомиллаштириш соҳасида химия фанлари янада ривожлантирилсин;

биология ва медицина соҳасида аввало юрак-томир ва вирус касалликларининг олдини олиш ва шу касалликни даволашга, медицина қишлоқ хўжалиги, енгил ва озиқ-овқат саноати учун физиологик жиҳатдан актив янги препаратлар вужудга келтиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар ривожлантирилсин; ўсимликларнинг энг серҳосил навларини ва жониворларнинг энг маҳсулдор зотларини етиштириш учун селекциянинг генетик методлари ишлаб чиқилсин; ирсий касалликлар генетикаси проблемалари ишлаб чиқилсин;

Ижтимоий фанлар янада ривожлантирилсин, социалистик хўжаликка илмий раҳбарлик қилиш ва коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этиш учун жамият ривожининг ҳозирги жараёнлари комплекс тадқиқ қилинсин. Иқтисодий фан соҳасида бутун диққат-эътибор объектив иқтисодий қонунлардан халқ хўжалигини планли равишда бошқариш практикасида фойдаланишнинг энг самарали формаларини, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳамда интенсивлигини ҳар томонлама ошириш проблемаларини, шунингдек СССРнинг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар билан социалистик иқтисодий интеграциясини ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга қаратилсин.

Илмий муассасалар ишининг самарадорлиги кескин оширилсин, бутун илмий кучлар, моддий ва молиявий ресурслар биринчи галда фаннинг етакчи йўналишларига ва энг муҳим фан-техника проблемаларини ҳал этишга, тадқиқотларнинг эксперименталь ва тажриба ишлаб чиқариш базасини янада мустаҳкамлашга, илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг хўжалик ҳисоби методларини қўлланишга жамлаш таъминлансин. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини планлаштириш яхшилансин, планларда ана шу ишларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишгача бўлган ҳамма босқичлари кўзда тутилсин, планларнинг бажарилиши учун контроль кучайтирилсин. Фан билан ишлаб чиқаришнинг боғланиши мустаҳкамлансин. Янги техникани қисқа муддатларда ўзлаштириш ва жорий этишга доир ташкилий ва иқтисодий тадбирлар системаси амалга оширилсин. Патент иши ва патент ахборотининг рағбатлантирувчилик роли кучайтирилсин.

4. Социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлик муттасил ривожлантирилсин, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга ҳар томонлама ёрдам берилсин.

* * *

СССР халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш, халқнинг турмуш даражасини ошириш, иттифоқдош республикаларнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштириш ва хўжалигини ривожлантириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, бошқарув ва планлаштиришни такомиллаштириш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар ва топшириқлар белгилаб берилсин.

III. Саноат

Янги беш йилликда саноатнинг асосий вазифаси социалистик экономиканинг индустриал базасини ривожлантиришни, хусусан қишлоқ хўжалигини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг индустриал базасини ривожлантиришни кенгайтиришдан ва такомиллаштиришдан, ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ва самарадорлигини оширишдан, маҳсулотнинг сифатини тубдан яхшилашдан иборат.

Саноатнинг барча тармоқларини совет халқининг турмуш эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш манфаатлари йўлида ривожлантиришга қаратиш зарур, бунинг учун халқ истеъмол моллари, хом ашё, уларни ишлаб чиқарадиган машиналар ва ускуналарни чиқарадиган саноатнинг салмоғини янада тезроқ ўстириш ва ошириш кўзда тутилсин

Электр энергетикаси, хусусан, атом, машинасозлик, химия, нефть химияси ва газ саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилсин. Саноатнинг барча тармоқларида энг кўп самара берадиган ишлаб чиқаришларни тезроқ ривожлантириш таъминлансин. Запас қисмларни марказлаштирилган тартибда ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин, халқ хўжалигининг автомобиллар, тракторлар ва бошқа турдаги техника учун запас қисмларга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилсин.

Беш йил мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 42—46 процент, шу жумладан, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 41—45 процент, истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш 44—48 процент кўпайтирилсин.

Саноатнинг ҳар бир тармоғида ишлаб чиқаришнинг даставвал унинг самарадорлигини ошириш ҳисобига ва ички хўжалик резервларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳисобига ўстириш таъминлансин. Шу мақсадда қуйидагилар амалга оширилсин:

Ишлаб чиқариш структураси, тармоқлараро ва ички тармоқ нисбатлари **такомиллаштирилсин**, ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперативлаштириш кенгайтирилсин;

Меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатлари жадаллаштирилсин. Беш йил мобайнида саноатда меҳнат унумдорлигининг 36—40 процент оширилиши ва шу ҳисобдан маҳсулот умумий ўсишининг 87—90 процентига эга бўлиш таъминлансин;

Барча турдаги маҳсулотларнинг техника даражаси, тежамлилиги ва сифати оширилсин. Янги ўзлаштириладиган маҳсулотлар ўзининг сифат ва техника-иқтисодий характеристикалари жиҳатидан жаҳон фани ва техникаси эришган илғор ютуқларга мос келиши лозим.

Ишлаб чиқариш қувватларидан ва асосий фондлардан янада самаралироқ фойдаланилсин. Машиналардан ва ускуналардан янада тўлароқ фойдаланиш, смена коэффициентини ошириш, бекор туришларни тугатиш, янгидан ишга тушириладиган ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш муддатларини қисқартириш, ишлаб чиқариш процессларини янада жадаллаштириш йўли билан асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳар бир бирлиги ҳисобига маҳсулот чиқариш кўпайтирилсин;

Хом ашёдан, материаллардан, ёқилғидан, электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш яхшилансин. Металларнинг самарали турларини ва профилларини, уларнинг ўриндошларини қўлланиш, машиналар конструкциясини ва металл прокатни ишлаш технологиясини такомиллаштириш ҳисобига машинасозликда ва металлни қайта ишлашда қора металлар прокатининг 18—20 процент миқдорида тежаб қолиниши таъминлансин. Ёқилғини, электр энергиясини, химия, ўрмон ва бошқа хом ашё ҳамда моддий ресурсларни сарфлаш нормалари 7—10 процент камайтирилсин.

Халқ хўжалигида иккиламчи хом ашёдан ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан ҳамда ишлаб чиқариш чиқиндиларидан (темир-терсак ва қора ҳамда рангли металларнинг чиқиндилари, макулатура, иккиламчи тўқимачилик материаллари, ойна синиқлари, эскириб кетган шиналар, полимер материаллари, химикатлар за бошқа турдаги иккиламчи хом ашё ва материалларнинг ресурслари) тўлароқ фойдаланилсин. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш технологияси такомиллаштирилсин ва тармоқларда тегишли қувватлар кўпайтирилсин. Иккиламчи хом ашё ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини тайёрлашни амалга оширадиган ташкилотларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, аҳолидан иккиламчи хом ашёни қабул қилиб олишни ташкил этиш яхшилансин;

саноатда фойда олиш кўпайтирилсин, маҳсулот таннархининг камайтирилиши ва корхоналар иши рентабеллигининг оширилиши таъминлансин.

Саноат тармоқларини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари ва ишлаб чиқариш ҳажми белгилансин:

электр энергетикада электр энергияси ишлаб чиқариш 1030—1070 миллиард киловатт-соатга етказилсин. Электр станцияларда асосан йирик энергетика блоклари ўрнатилган иссиқлик электр станциялари қуриш ҳисобига 65—67 миллион киловаттли қувватлар ишга туширилсин. Энергетика ускуналарининг ишида техника-иқтисодий кўрсаткичлар жиддий равишда яхшилансин. 1975 йилда электр станцияларда ҳар бир киловатт-соат электр энергияга ёқилғининг солиштирма сарфи 340—342 граммга қадар камайтирилсин.

Гидроэнергетикада электр энергияси ишлаб чиқариш, ерларни суғориш, халқ хўжалигини сув билан таъминлаш, кемалар қатнови ва балиқчиликни ривожлантириш вазифаларини комплекс ҳал қилиш имконини берадиган гидроузель иншоотлари кўпроқ қурилсин.

Бирламчи қуввати бир миллион киловатт келадиган ва ундан ортиқ реактор установкаси бор йирик электр станцияларни қуриш йўли билан атом энергетикасини анча ривожлантириш кўзда тутилсин. Атом электр станцияларида 6—8 миллион киловаттли қувватлар ишга туширилсин.

Мамлакатнинг ягона энергетика системасини вужудга келтириш, 750 ва 1150 минг вольт кучланишга эга бўлган ўзгарувчан ток олис электр линияларини ва 1500 минг вольт кучланишга эга бўлган ўзгармас ток электр линияларини вужудга келтириш, шунингдек қишлоқ районларида электр тармоқларини ривожлантириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин, қишлоқ истеъмолчиларини электр билан таъминлашнинг пухталиги оширилсин.

Беш йил мобайнида электр энергетикада меҳнат унумдорлиги 1,4 баравар оширилсин.

Нефть ва газ саноатида 1975 йилда нефть қазиб чиқариш 480—500 миллион тоннагача, газ қазиб чиқариш 300—320 миллиард куб метргача етказилсин. 1975 йилда нефть ва газнинг умумий ёқилғи балансидаги салмоғи камида 67 процентга етказилсин. Янги сермаҳсул нефть ва газ конларини ишга тушириш жадаллаштирилсин, илгаридан нефть ва газ олиб келинган районларда нефть ва газ қазиб чиқариш ривожлантирилсин.

Беш йилликнинг охирига келиб қатламларга сунъий таъсир кўрсатиш методларини қўлланиш йўли билан нефть қазиб чиқариш ҳажми қазиб олинаётган нефтнинг 75 процентига етказилсин. Нефть олинадиган қудуқлар ва сув юбориладиган қудуқлар фонди бир вақтда ва алоҳида-алоҳида ишлатилаётганида икки баравар кўпайтирилсин. 120 нефть ва 20 газ конини комплекс автоматлаш таъминлансин. Қудуқларни фойдаланишга топшириш муддатларини анча қисқартириш, улардан фойдаланишнинг анча такомиллашган усулларини қўлланиш, ускуналарнинг хизмат қилиш муддатларини узайтириш ҳисобига қудуқлар фондидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин.

Пармалаш ишларининг техника-иқтисодий кўрсаткичлари анча оширилсин. Эксплуатация мақсадида пармаланганида қудуқларни қазиш нархи тахминан 15 процент, разведка мақсадида қазилганида 25 процент камайтирилсин. Қудуқ тубида пармалаш режими кўрсаткичларини тўла-тўкис контроль қилинадиган ҳолда қудуқ қазиш технологиясини жорий қилиш тезлаштирилсин.

Нефть билан чиқадиган газдан фойдаланиш унинг ресурсларига нисбатан 80—85 процентга етказилсин, нефть билан қўшилиб чиқадиган газ ва табиий газни комплекс қайта ишлайдиган қувватлар анча оширилсин ҳамда суюлтирилган газ, бензин, гелий ва олтингугурт ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Мамлакатни газ билан таъминлашнинг ягона системасини вужудга келтириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин. Мамлакат Европа қисмининг ёқилғига бўлган эҳтиёжини қондириш учун газ конлари топилаётган янги районлардан магистрал газ қувурлари орқали газнинг энг самарали оқими таъминлансин. Газ қувурларининг лойиҳадаги қувватларидан тўлароқ фойдаланилиши таъминлансин, босимни кучайтириш ҳисобига қувурларнинг газ ўтказиш қобилияти кучайтирилсин. Камида 30 минг километр магистрал газ қувури қурилсин. 75 атмосфера босим билан газ юбориш учун диаметри 1420 миллиметр бўлган қувурлардан, шунингдек, газ ҳайдайдиган янги, катта қувватли агрегатлардан кенг фойдаланилсин.

Саноат марказларига яқин бўлган ер ости газхоналари анча кенгайтирилсин.

Нефть қазиш саноатида меҳнат унумдорлиги 1,4 баравар ва газ саноатида 1,3 баравар оширилсин.

Нефтни қайта ишлаш саноатида маҳсулот чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилсин.

Нефтни қайта ишлаб чиқарадиган заводларни лойиҳалаш ва қуриш муддатлари ҳамда уларнинг қувватларини ўзлаштириш муддатлари анча қисқартирилсин.

Нефть маҳсулотларининг сифати яхшилансин. Асосан олтингугурти кам бўлган дизель ёқилғилари, юқори октантли бензинлар, кўп функцияли юксак самарадор присадкали мойлов материаллари ишлаб чиқарилиши таъминлансин, нефть маҳсулотларидан олтингугуртни энг кўп миқдорда ажратиб олиш усуллари кенг қўлланилсин. Ароматик углеводородлар, кам олтингугуртли электрод кокслар, суюлтирилган газлар, химия саноати учун нефть хом ашёси ишлаб чиқариш жиддий равишда кенгайтирилсин.

Нефтни қайта ишлаш саноати корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1,5 баравар оширилсин.

Кўмир саноатида кўмир қазиб чиқариш 1975 йилда 685—695 миллион тоннага етказилсин. Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш негизида, шунингдек шахталарда кўмирни камбар қазиб олишга кўчиш негизида корхоналарни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш асосан тугаллансин, беш йилликнинг охирига келиб нишоб ва қия қатламларда қазиш комплекслари ва механизациялаштирилган крепларни қўлланиб кўмир қазиш салмоғи умумий кўмир қазишга нисбатан камида 60 процент кўпайтирилсин.

Очиқ усулда кўмир қазиш жадал суръатлар билан ривожлантирилсин, 1975 йилда умумий қазиб олинадиган кўмирнинг 30 процент салмоғи шу усул билан қазиб олинишига эришилсин.

Кўмир саноатида меҳнат унумдорлиги тахминан 1,4 баравар оширилсин.

Беш йил мобайнида **торф қазиб чиқаришнинг** 35—38 процент ўсиши таъминлансин, торф брикетлар ва ярим брикетлар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин.

Қора металлургияда металл ишлаб чиқаришнинг прогрессив усулларини жорий этиш ва прокат сортларини кўпайтириш ҳисобига металл маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, шу тариқа халқ хўжалигида металлни қўлланиш самарадорлигини анча ошириш асосий вазифа деб ҳисоблансин.

1975 йилга бориб пўлат эритиш 142—150 миллион тоннага ва тайёр прокат ишлаб чиқариш 101—105 миллион тоннага етказилсин. Прокатнинг тежамли турларини, аввало тунука прокатни, совуқ усулда катанка қилинган тунукани, буклама ва шаклдор профилларни, ғоят аниқ профилларни, юқори сифатли ва легирланган пўлат прокатларни, қувурлар ва металл буюмларни ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Совуқ усулда катанка қилинган динамли пўлат ишлаб чиқариш ташкил этилсин, трансформаторда қўлланиладиган пўлат сифати анча оширилсин.

Занглашига қарши қопламалар қилинган ва термик ишлов бериб мустаҳкамланган металл прокат, қувурлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Катта диаметрли ва юқори босимли газопровод қувурлари, ғоят пишиқ пармалаш ва обсадка қувурлари, чоксиз юпқа деворли электр пайванд қувурлари, совуқ усулда тунука қилинган электр-техника ва зангламайдиган тунука пўлат ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган бошқа турдаги металл маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг янги қувватлари барпо этилсин.

Қора металлургияда ишлаб чиқариш қувватларини кўпайтириш бирламчи қуввати катта бўлган агрегатларни, жумладан ҳажми 5 минг куб метр бўлган домна печларини, эритма вазни 350 тонна бўлган кислород билан ишлайдиган конверторларни қуриш ҳисобига амалга оширилсин.

Прогрессив технология жараёнларини қўлланиш, домна ишлаб чиқаришида кислород ва табиий газдан фойдаланиш анча кенгайтирилсин, темир руда оккатишлари ишлаб чиқариш 4 баравар кўпайтирилсин, металл ҳолидаги темир руда хом ашёсини саноат усулида ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Беш йиллик охирига бориб кислород билан ишлайдиган конверторларда пўлат эритиш салмоғини пўлат ишлаб чиқариш жами ҳажмининг камида 30 процентига етказилсин, электр пўлати ишлаб чиқаришнинг салмоғи оширилсин. Узлуксиз пўлат қуйиш ҳажми кўпайтирилсин. Пўлатни печдан ташқарида вакуумлаш, синтетик шлаклар билан ишлаш, электр шлак ва вакуум усулида қайта эритиш йўли билан металлар сифатини яхшилашнинг ғоят самарадор усуллари кенг жорий этилсин.

Қора металлургияда меҳнат унумдорлиги тахминан 1,3 баравар оширилсин.

Рангли металлургияда маҳсулот ишлаб чиқариш 1,4 баравар, шу жумладан алюминий ишлаб чиқариш 50—60 процент, мис ишлаб чиқариш 35—40 процент кўпайтирилсин. Легирлаш металлари ишлаб чиқариш ва табиий олмослар қазиб олиш анча кенгайтирилсин. Айниқса, глинозем, қўрғошин, вольфрам, молибден, сурма, қалай, симоб ишлаб чиқариш учун хом ашё базасини ривожлантириш жадаллаштирилсин.

Ғоят серунум ўзиюрар машина-ускуналар комплексларини қўлланиб, очиқ усулда, шу жумладан шахта усулида рудалар қазиб чиқаришни янада ривожлантириш таъминлансин. Кон-руда корхоналарини ғоят серунум машина-ускуналар ва транспорт воситалари билан таъминлаш жадаллаштирилсин.

Рудалар таркибидаги металларни ажратиб олиш анча кўпайтирилсин, хом ашёдан комплекс фойдаланиш яхшилансин; ярим тайёр маҳсулотларни батамом қайта ишлайдиган бекик технология схемалари кенг жорий этилсин, металлургия заводларидаги ишлаб чиқариш чиқитларидан фойдаланиш ташкил этилсин. Плазмали металлургия жараёнларининг асослари яратилсин. Рангли металлардан ва қотишмалардан ярим тайёр маҳсулотларни биргаликда қуйиш ва прокатка қилишни қўлланиш ривожлантирилсин, турли материалларга рангли металлардан вакуум усулида қоплама қилиш жараёнлари ва шу мақсадлар учун саноат аппаратлари ишлаб чиқилсин.

Иккиламчи рангли металлар, электрод маҳсулоти, мис прокати ва мис қотишмалари, ингичка кесимли симлар, юпқа деворли қувурлар ва тежамли профиллар ишлаб чиқарадиган қувватларни янада кўпайтириш кўзда тутилсин. Алюминли қотишмалардан тайёрланадиган қувурлар ва қурилиш профилларини, шунингдек алюминий фольга ва озиқ-овқат маҳсулотлари ўраладиган лента ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин ва уларнинг сортлари кенгайтирилсин. Рангли металлар ва қотишмаларнинг сифати яхшилансин.

Рангли металлургияда меҳнат унумдорлиги камида 1,4 баравар оширилсин.

Химия ва нефть химияси саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 1,7 баравар, шу жумладан, пластмассалар ва синтетик смолалар ишлаб чиқариш тахминан 2 баравар, каучуклар ишлаб чиқариш 1,7 баравар ва рўзғор химияси буюмлари ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпайтирилсин. 1975 йилга бориб минерал ўғит ишлаб чиқариш 90 миллион тоннага, химиявий толалар ишлаб чиқариш 1050 — 1100 минг тоннага етказилсин. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кўпайтирилсин ва сифати яхшилансин. Тармоқлар ичидаги нисбатлар яхшилансин. Агрегатлар ва установкаларнинг бирламчи қувватини ошириш ҳисобига химия ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш, шунингдек узлуксиз технология жараёнларини вужудга келтириш кўзда тутилсин.

Юқори сифатли концентратлаштирилган ва мураккаб минерал ўғитлар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилиб, беш йиллик охирига бориб минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмидан ана шундай ўғитлар чиқариш салмоғи тахминан 80 процентгача етказилсин. Минерал ўғитлар таркибидаги озуқа моддаларининг ўртача миқдори 35—37 процентгача кўпайтирилсин. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларини ишлаб чиқариш оширилсин ва турлари кўпайтирилсин.

Пластмассаларнинг ва улардан тайёрланадиган буюмларнинг сифати яхшилансин полимер материалларнинг ғоят пухта, иссиқ ва совуққа чидамли, электр изоляцияли, занглашга чидамли турларини ва бошқа янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Беш йиллик охирига бориб синтетик смолалар ва пластмассалар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида термопластлар ишлаб чиқариш салмоғи 40—43 процентга етказилсин.

Химиявий толалар ишлаб чиқариш структураси яхшилансин, беш йиллик охирига бориб химиявий толалар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида синтетик толалар улуши 38—40 процентгача оширилсин, тўқимачиликда ишлатиладиган синтетик ва сунъий, чирмовли штапель тола, массада бўялган химиявий толалар ишлаб чиқариш ва сунъий синтетик ипакни катта тойларда етказиб бериш кўп миқдорда оширилсин.

Юқори сифатли янги синтетик каучуклар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Каучук ишлаб чиқаришнинг жами ҳажмида табиий каучук ўрнини босадиган синтетик каучук ишлаб чиқариш салмоғини 55—60 процентга етказиб, шу туфайли табиий каучук сарфи қисқартирилсин. Такомиллаштирилган конструкциядаги автомобиль шиналари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин, автомобиль шиналарининг йўл юриши ўрта ҳисобда 20—25 процент оширилиши таъминлансин.

Кам тоннажли химия маҳсулоти ишлаб чиқариш жадал ривожлантирилсин, унинг турлари кўпайтирилсин. Полимер материаллар сифатини оширадиган химиявий қўшимчалар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин ва халқ хўжалигининг шу материалларга бўлган талаби тўлиқ қондирилсин. Консервантлар ва антисептиклар, медицина ва қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун биологик актив моддалар, присадкалар, реактивлар, озиқ-овқат маҳсулотларини қадақлаш учун турли плёнкалар, ёғларнинг ўрнини босадиган химиявий моддалар, синтетик глицерин, синтетик бўёқлар, локлар ишлаб чиқариш, газламалар, трикотаж буюмлар, пойафзал ва сунъий чарм сифатини яхшилайдиган ёрдамчи моддалар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Рўзғор химияси буюмларининг, пластмасса буюмларининг ва химия саноат томонидан аҳоли учун ишлаб чиқариладиган бошқа хилдаги маҳсулотларнинг турлари кўпайтирилсин ва сифати яхшилансин.

Химия саноати корхоналарида меҳнат унумдорлиги 1,7 баравар ва нефть химияси саноатида 1,5 баравар кўпайтирилсин.

Аввало, кончилик корхоналари ишлаб турган районларда шунингдек, саноат усулида ўзлаштириш учун иқтисодий жиҳатдан энг самарадор бўлган районларда **ер қаърини геологик ўрганиш ва минерал-хом ашё ресурсларини қидириб топиш** ишлари кенгайтирилсин. Мамлакатнинг айниқса Европа қисмида нефть ва газни, коксланувчи ва энергетик кўмир юқори навли боксит, энг муҳим рангли, нодир ва қимматбаҳо металлар, олмосларни, минерал ўғит ишлаб чиқариш учун керакли хом ашёни қидириб топиш, ер ости сувларини излаш кучайтирилсин, шунингдек Сибирь ва Урал районларида бой темир руда конларини аниқлашга доир қидириш-разведка ишлари кучайтирилсин.

Нефть ва газнинг истиқболли сув ости конларини топиш мақсадида денгизлар ва океанларнинг соҳил яқинидаги зоналарида қидириш-разведка ишлари қизитиб юборилсин. Соҳилларда олтин, қалайи ва бошқа рудали фойдали қазилмаларнинг сочма конларини тадқиқ қилиш кенгайтирилсин. Геология-разведка ишларининг иқтисодий самарадорлиги оширилсин.

Машинасозлик ва металл ишлаш соҳасида беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш 1,7 баравар, шу жумладан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 2,2 баравар кўпайтирилсин. Автоматлаштириш приборлари ва воситалари, қишлоқ хўжалик машиналари, қурилиш ва мелиорация техникаси, металл ишлаш ва электр техника ускуналарининг, газ қувурларининг энг прогрессив турларини, атом электр станцияларини ва химия саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқлари учун асбоб-ускуналар, темир йўл ҳаракат состави, автомобиль саноати маҳсулоти ишлаб чиқаришни илдам ривожлантириш таъминлансин. Кўтариш-транспорт, юк ортиш-тушириш ва омбор ишларини механизациялаш воситаларини ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Узоқ муддат фойдаланиладиган халқ истеъмоли молларининг турлари кўпайтирилсин ва сифати яхшилансин.

Агрегатларнинг бирламчи қувватларини кўпайтириш, унинг сифати ва пухталигини яхшилаш йўли билан ускуналарнинг самарадорлиги оширилсин.

Машинасозликнинг янги корхоналарини қуриш ва ишлаб турган корхоналарини реконструкция қилиш чоғида машинасозлик маҳсулоти ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришни чуқурлаштириш, муайян деталларга ва технологияга ихтисослаштирилган заводлар ва йиғувчи заводларни кўпроқ барпо этишга асосланиб иш кўрилсин. Ускуналар ишининг сменали коэффициенти оширилсин.

Машинасозликнинг ишлаб чиқариш базасини техника билан қайта қуроллантириш жадаллаштирилсин. Эскириб қолган металл ишлаш ускуналарини алмаштириш учун металл қирқиш станоклари ресурсларининг 25—30 проценти ва темирчилик-пресс машиналари ресурсларининг камида 30 проценти шу тармоқ корхоналарига юборилсин. Янги прогрессив технология жараёнлари тезроқ жорий қилинсин.

1975 йилга бориб металл қирқиш станоклари ишлаб чиқаришни 230—250 минг донага ва темирчилик-пресс машиналарини ишлаб чиқаришни 60—65 минг донага етказилсин. Рақамли программа бошқарувига эга бўлган металл ишлаш станоклари ишлаб чиқаришни илдам ривожлантиришни таъминлаб, шундай станоклар ишлаб чиқаришни беш йилликда камида 3,5 баравар кўпайтириш таъминлансин. Юксак ва ғоят юксак аниқликда ишлайдиган станоклар, автомат ва ярим автомат линиялари, темирчилик-пресс ва қуюв ускуналари ишлаб чиқариш, шунингдек металл қирқиш ва абразив асбобларни махсус ишлаб чиқариш кенгайтирилсин; шу асбобнинг сифати оширилсин.

Ишлаб турган қуюв ва темирчилик-штамповка заводлари ҳамда цехларини янги техника асосида реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш йўли билан қуювчилик ва штамповка ишлаб чиқаришининг ихтисослаштирилган қувватларини жадал ривожлантириш таъминлансин. Янги технология жараёнларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, эритиладиган моделларга қуйиш, босим остида ва вакуум шароитида қуйиш усулларини, поток ва автомат линияларини жорий қилиш, шунингдек чўян эритиш учун саноат частотали индукцион печларни жорий этиш ҳисобига қуйилмалар билан штамповкаларнинг сифати ва аниқлиги оширилсин.

Металлни босим остида ишлаш салмоғи анча кўпайтирилсин, саноатда ҳажмли штамповка кенг жорий этилсин.

Умумий машинасозликда қўлланиладиган буюмларни марказлаштирилган тартибда тайёрлашни илдам ривожлантириш таъминлансин.

1975 йилда тракторлар ишлаб чиқаришни 575 мингтага ва қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқаришни 3,5 миллиард сўмликка етказилсин. Тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарининг қуввати ва унумдорлиги оширилсин. Янги ғоят серунум дон комбайнлари, кучли ҳайдов ва чопиқ тракторлари, ўрмон кесиш ишлари учун агрегатли машиналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилсин. Қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналарини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш жадаллаштирилсин. Ўзи юрар шассилар ва осма қуролларнинг зарур бўлган ҳамма турларини ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. 1975 йилда автомобиллар ишлаб чиқаришни 2—2,1 миллион донага етказиб айни вақтда юк автомобиллари ишлаб чиқариш 1,5 баравар ва енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 3,5—3,8 баравар кўпайтирилсин. Кўп юк ортиладиган автомобиллар ва уларнинг базасида кўп юк тортадиган автопоездлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Ихтисослаштирилган юк автомобиллари ва автомобиль прицеплари, узоқ Шимол ва иссиқ иқлим шароитларида ишлашга мослаштирилган автомобиллар, ёғоч ташиш автопоездлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Кон-руда саноати учун 120 тонна юк кўтара оладиган автосамосваллар ва самосвал автопоездлар ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Кўп одам сиғадиган автобуслар ва оғир йўлдан юра оладиган автобуслар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Автомобиль двигателларининг капитал ремонтгача ишлаш муддати 1,3—1,5 баравар кўпайтирилсин.

Енгил ва озиқ-овқат саноати учун, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бошқа корхоналар учун, шунингдек савдо-сотиқ, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари учун энг янги автоматлаштириш воситалари билан таъминланган ғоят серунум технология ускуналари ишлаб чиқариш 1,6—1,8 баравар кўпайтирилсин.

(Давоми учинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(Боши 1 ва 2- бетларда).

Йироқдан ва автомат усулида бошқариладиган кўтаргич-транспорт машина ва механизмлари комплексларини, шунингдек автоматлаштирилган конвейер транспорт линиялари учун циклли ҳаракат қиладиган машиналарнинг янги конструкциялари ишлаб чиқилсин ва уларни ишлаб чиқариш ташкил этилсин. Сочма юклар — цемент, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларни ташиш вақтида уларнинг нобуд бўлишини камайтиришни таъминлайдиган махсус транспорт, юк ортиш-тушириш механизмлари ва қурилмаларини ишлаб чиқариш кенгайтирилсин. Магистрал юк вагонлари ишлаб чиқарадиган заводларни қуриш ва реконструкция қилиш жадаллаштирилсин.

Металлургия, кўмир, кончилик, химия, нефть химияси ва нефтни қайта ишлаш саноати, энергетика, целлюлоза — қоғоз саноати ва бошқа тармоқлар учун бирламчи қуввати катта бўлган машина ва ускуналарнинг янги турлари яратилсин. Ҳажми 5000 куб метр бўлган домна печлари учун керакли машина-ускуналар, кон устини очиш ишлари учун соатига 12 минг куб метр иш бажара оладиган кўп чўмичли комплекслар, чўмичининг ҳажми 1000 куб метр бўлган экскаваторлар, ётиқ ва тик жойлашган юпқа ва қалин қатламларни ишга солиш учун механизациялашган мустаҳкамлагичлари бўлган ускуналар комплексларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин ва уларни кўплаб ишлаб чиқариш ташкил этилсин.

Иссиқлик электр станциялари учун 500 минг ва 800 минг киловатт-қувватли энергетика блокларининг комплект ускуналарини, 100 минг киловатт қувватли газ турбиналарини, шунингдек атом электр станциялари учун 1 миллион киловатт ва ундан ортиқ қувватли реактор установкаларини ишлаб чиқариш таъминлансин. 1200 минг киловатт қувватли асосий энергетика блокининг ускунаси тайёрлансин. 1500 минг вольт кучланишли ўзгармас ток ва 1150 минг вольт кучланишли ўзгарувчан ток узатувчи электр линиялари учун янги юқори вольтли ва ўзгартирувчи ускуналар комплекси яратилсин.

Бутун саноатда қўлланиладиган ҳамда яхшиланган вазн, технология ва эксплуатация кўрсаткичларига эга бўлган ҳамда қувватининг диапазони кенг бўлган электр двигателлари, шу жумладан чоғроқ двигателлар ва микродвигателларнинг янги туркумини ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусияти ҳисобга олиниб, электр двигателлари, электр аппаратлари, кабель маҳсулотлари яратилиши ва кўплаб ишлаб чиқарилиши таъминлансин. Аҳолининг ёритиш арматурасига бўлган талаби қондирилсин.

Дизелсозликни ривожлантиришга ҳамда газ двигателлари ва газ мотокомпрессорлари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилсин. Ана шу машиналарнинг моторесурси 1,5-2 баравар кўпайтирилсин. Янги кучли тепловозлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Ғарбий Сибирь ва Узоқ Шимол районларида ишлаш учун махсус нефть — газ кони ускуналари, кучли магистрал газ ва нефть қувурлари қуриш учун керакли ускуналар комплекси ишлаб чиқариш ташкил қилинсин.

Қурилиш ва йўл машинасозлигини ривожлантириш суръатлари жадаллаштирилсин, қурилиш учун бирламчи қуввати оширилган машиналар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, кучли саноат тракторлари ва ғилдиракли шатак машиналари, гидравлик экскаваторлар базасида янги машиналарни, пардозлаш, том ёпиш ва бошқа ишларни бажарадиган машиналар комплектларини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Бинокорлик материаллари саноати учун автоматик линиялар яратиб берилсин, коммунал хўжалик эҳтиёжлари учун керакли машина ва ускуналар ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Металлургия, химия ва нефтни қайта ишлаш, нефть, газ ва кўмир саноатидаги технология жараёнларини бошқаришни автоматлаштириш воситалари ва комплекс системаларини саноат усулида ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Приборлар ишлаб чиқариш 2 баравар кўпайтирилсин. Саноат приборларининг давлат системасига кирувчи унификация қилинган қурилмаларнинг тўла комплексини яратиш ва бундай қурилмаларни ишлаб чиқариш ўзлаштириб бўлинсин. Бутун саноатда фойдаланиладиган приборларнинг агрегатланган комплексларини ҳамда эксплуатация кўрсаткичлари юқори ва ўзи ғоят пухта бўлган автоматлаштириш воситаларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин.

Ҳисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқариш 2,4 баравар, шу жумладан электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқариш 2,6 баравар кўпайтирилсин. Интеграл схемалар негизида электрон ҳисоблаш машиналарининг янги комплексини кўплаб ишлаб чиқариш ўзлаштирилсин. Ахборотни қайд этиш, тўплаш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштиришни таъминлайдиган техника воситалари комплекси, мамлакатнинг ягона автоматлаштирилган алоқа системаси учун керакли янги техникавий воситалар, ҳаво қатнови навигацияси ва уни бошқариш учун керакли радио аппаратлар, интеграл схемалардан кенг фойдаланиш асосида электрон медицина аппаратлари яратилсин.

Илмий тадқиқот ишларини ўтказиш учун керакли замонавий приборлар, аппаратлар ва лаборатория ускуналари, шунингдек инженерлик ҳамда бошқарув меҳнатини механизациялаш ва автоматлаштириш воситаларини саноат усулида ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Машинасозликда меҳнат унумдорлиги 1,5-1,8 баравар оширилсин.

Урмон, ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқариш структурасини ва ёғочдан комплекс фойдаланишни янада яхшилаш таъминлансин.

Беш йилликда ёғоч пайраха ва ёғоч толадан тахталар ишлаб чиқаришни 2,8-2,9 баравар, целлюлоза ишлаб чиқаришни 1,7 баравар, картон ишлаб чиқаришни 1,8 баравар, қоғоз ишлаб чиқаришни камида 1,3 баравар кўпайтириш таъминлансин.

Целлюлоза, қоғоз ва картоннинг камчил турларини, шу жумладан техника мақсадлари учун ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини машинада қадоқлаш учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, шунингдек аҳоли эҳтиёжлари учун қоғоз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилсин. Тайёрланаётган маҳсулот сифати яхшилансин.

Ёғоч чиқитлари технология пайрахасидан, япроқли ва сифати паст игна баргли ёғочлар, макулатурадан целлюлоза-қоғоз саноати учун технология хом ашёси сифатида фойдаланиш анча кенгайтирилсин.

Ташиб олинган ёғоч жами ҳажмида иморатбоп ёғоч ишлаб чиқариш 87 процентга етказилсин.

Хода ташишни қисқартириш мақсадида мамлакатнинг шарқий районларида ёғочни қайта ишлаш кўпайтирилсин.

Ишлаб турган ёғоч тайёрлаш корхоналари реконструкция қилиниб, ёғоч тайёрлашдаги сермеҳнат ишларни механизациялашга, ғоят мукаммал машина ва ускуналарни жорий этишга ҳамда автомобиль йўллар ҳолатини яхшилашга, шунингдек юксак даражада механизациялашган янги ўрмончилик хўжаликлари қуришга алоҳида эътибор берилсин. Ёғоч тайёрлаш билан шуғулланувчи ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари яхшилансин.

Аввало мамлакатнинг шарқий районларида мебель саноатининг қувватлари ривожлантирилсин, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ҳисобига уларда мебель ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Мебель ишлаб чиқаришда янги технология жараёнлари ва ғоят самарали материаллар кенг жорий этилсин. Беш йилликда мебель ишлаб чиқариш камида 1,6 баравар кўпайтирилсин.

Ўрмон ва ёғочсозлик саноати корхоналарида меҳнат унумдорлиги 35 процент ва целлюлоза-қоғоз саноати корхоналарида 45 процент оширилсин.

Бинокорлик материаллари саноатининг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баравар кўпайтирилсин, заводнинг ўзида тайёрлаб чиқарилган маҳсулотлар ва буюмлар, индустриал конструкциялар, шунингдек бино ва иншоотлар вазнини камайтирувчи енгил тўлдиргичлар ишлаб чиқариш кенг кўламда ташкил қилинсин. 1975 йилда цемент ишлаб чиқаришни 122-127 миллион тоннага етказилсин. Пардозлаш материаллари ва санитария-техника ускуналарининг турлари анча кенгайтирилсин. Ғишт ва бошқа маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин. Бошқа тармоқларнинг чиқинди маҳсулотларидан (шлаклар, кул, норуда материаллардан) бинокорлик материаллари тайёрлаш учун кенг фойдаланилсин. Қишлоқ хўжалиги учун охак уни ва зовурга ётқизиладиган сопол қувурлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Корхоналарнинг техникавий даражаси оширилсин, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш тезлаштирилсин. Бинокорлик материаллари саноати корхоналарида меҳнат унумдорлиги тахминан 35 процент оширилсин.

Енгил саноатда. Совет кишиларининг кийим-кечак, пойафзалга ва енгил саноатнинг бошқа буюмларига бўлган эҳтиёжларини тағин ҳам тўлиқ қондириш мақсадида шу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 35-40 процент кўпайтирилсин; 1975 йилда газлама ишлаб чиқариш 10,5-11 миллиард квадрат метрга, чарм пойафзал ишлаб чиқариш 800-830 миллион жуфтга етказилсин; трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришни 1,5 баравар, кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни 1,4 баравар ва чинни-фаянс идишлар ишлаб чиқаришни 2 баравар кўпайтириш таъминлансин. Молларнинг турлари ўз вақтида янгиланиб, кўпайтириб турилсин, уларнинг сифати ва ташқи безаги яхшилансин.

Янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш, шунингдек ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш асосида енгил саноат корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш амалга оширилсин. Ип-газлама, жун ва трикотаж саноати учун урчуқсиз ғоят серунум йигирув машиналарини, автоматлаштирилган комплекс линияларни, мокисиз тўқув станокларини, газламалар ва трикотажни охарлашнинг узлуксиз технологияси жараёнларини, тағ чармни елимлаш методида ва иссиқ вулканизация методида пойафзал технологиясини, шунингдек тикувчилик ишлаб чиқаришида ғоят серунум, комплекс механизациялаштирилган поток линияларини кенг кўламда жорий этиш таъминлансин.

Енгил саноат корхоналарида меҳнат унумдорлиги 34 процент оширилсин.

Озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 33-35 процент кўпайтирилсин, шу жумладан гўшт ишлаб чиқариш 40-43 процент, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 29 процент, қанд-шакар тахминан 34 процент, озиқ-овқат бўладиган балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш камида 47 процент кўпайтирилсин. Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати оширилсин, турлари кўпайтирилсин, тўйимли ва лаззатли қилинсин. Болалар овқатлари маҳсулоти, консерваланган мева ва сабзавотлар, юқори сифатли кондитер маҳсулотлар ишлаб чиқариш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин. Қадоқлаб, ўраб қўйилган моллар, шунингдек турли ярим тайёр масаллиқлар ва пазандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Озиқ-овқат хом ашёсидан комплекс фойдаланиш кенгайтирилсин. Озиқ-овқат, гўшт ва сут саноати корхоналарини қуриш ва реконструкция қилишни жадаллаштириш, уларни замонавий ғоят серунум машина-ускуналар билан қуроллантириш таъминлансин.

Тирик ва совутилган балиқ, суяксиз балиқ ва ярим тайёр масаллиқлар, балиқ маҳсулотлари, дудланган ва қуритилган балиқ ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотларига етказиб бериш анча кўпайтирилсин.

Балиқ саноати флоти балиқ овлаш ва уни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган ҳамда механизациялаштирилган линиялари билан қуроллантирилган ҳамда овланган балиқни комплекс қайта ишлаб чиқиб, чиқитлардан озуқа талқони ишлаб чиқариш учун тўлиқ фойдаланилишини таъминлайдиган ғоят самарали кемалар билан тўлдирилсин. Балиқ овлаш флотини ишлатиш анча яхшилансин, балиқ қидириш ва уни овлашнинг прогрессив янги воситалари кенг жорий этилсин, айниқса Узоқ Шарқ хавзасида кемаларни ремонт қилувчи ишлаб чиқариш қувватлари ва денгиз балиқ портлари ривожлантирилсин.

Океанларда овланадиган балиқ турларидан тансиқ маҳсулот ишлаб чиқарадиган комплекс балиқ корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари кўпайтирилсин.

Жаҳон океанида балиқ саноатининг хом ашё базасини тадқиқ қилиш ишлари кенгайтирилсин. Ички сув хавзаларида балиқнинг ғоят қимматли турлари запасларини анча кўпайтириш юзасидан зарур чоралар амалга оширилсин. Давлат сув хўжаликларида балиқ етиштириш 2,7 баравар кўпайтирилсин.

Озиқ-овқат, гўшт-сут ва балиқ саноати корхоналарида меҳнат унумдорлиги 30-33 процент оширилсин.

Саноатнинг ҳамма тармоқларида **маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш** ривожлантирилсин, уларни ишлаб чиқариш 1,8 баравар кўпайтирилсин. Оғир саноат тармоқларида: рангли металлургияда, химия машинасозлиги ва станоксозликда маданий-маиший ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш 3 баравар, оғир машинасозлик, приборсозлик, кемасозлик ва электрон саноатида 2,2—2,5 баравар, авиация, мудофаа, электр-техника, химия, нефть химияси, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик саноатида, бинокорлик материаллари саноати ва радио саноатида 1,8—2 баравар, автомобиль, целлюлоза-қоғоз, ўрмон ва ёғочсозлик саноатида ҳамда қора металлургияда 1,5 — 1,7 баравар кўпайтирилсин.

Буюмларнинг турлари ҳар томонлама кўпайтирилсин ва доимо янгиланиб турилсин, уларнинг сифати яхшилансин, молларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ташкил этилсин, техникавий жиҳатдан мураккаб бўлган ҳамда аҳоли меҳнатини енгиллаштириб, турмушини яхшилайдиган рўзғор машиналари ва приборларининг пишиқлиги ва чидамлилиги оширилсин.

Маданий-маиший ва хўжалик моллари ишлаб чиқарадиган иқтисослаштирилган корхоналар ва цехларни ташкил этиш, ишлаб турган корхоналарда ана шу буюмларни ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш тадбирлари кўрилсин.

Маҳаллий саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1,7 баравар кўпайтирилсин, бадиий ҳунармандчилик буюмлари, совғалар, турмуш учун зарур бўлган майда хўжалик буюмлари ва халқ истеъмол қиладиган бошқа моллар ишлаб чиқариш анча кенгайтирилиб, бунинг учун маҳаллий хом ашё ресурсларидан ва материаллардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланилсин. Айниқса кичик ва ўртача шаҳарларда шу тармоқнинг ишлаб турган корхоналарини техника билан қайта қуроллантириш ва иҳтисослаштириш, шунингдек янги корхоналарни қуриш амалга оширилсин.

Микробиология саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилсин. Озуқа ачитқилари ишлаб чиқариш 3,5—3,7 баравар кўпайтирилсин. Оқсил-витаминли концентратларни саноат усулида ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, аминокислоталар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг микробиологик воситаларини, медицинада қўлланилмайдиган антибиотиклар ва озуқабоп витаминларни ишлаб чиқариш анча кенгайтирилсин. Озиқ-овқат енгил саноатда, қишлоқ хўжалигида ва бошқа тармоқларда технология жараёнларини жадаллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун керакли фермент препаратлар ишлаб чиқариш кўпайтирилсин ва уларнинг турлари оширилсин. Микробиология саноати бирламчи қуввати оширилган агрегатли ғоят серунум технология линиялари билан таъминлансин.

Ун-ёрма саноати корхоналарида юқори навли унни зарур миқдорда ишлаб чиқариш таъминлансин, ёрманинг сифати яхшилансин, гуруч тозалаш 2 баравар ва гречка ёрмаси ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилсин. Элеватор-омбор хўжалиги ва омихта ем саноатининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин.

Медицина саноати маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,6 баравар кўпайтирилсин. Дори-дармонлар ишлаб чиқаришни аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондиришни таъминлайдиган миқдорга етказиш ва унинг зарур турларини ишлаб чиқариш таъминлансин. Витаминлар ва антибиотиклар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Вирусга, бактерияларга, замбуруғларга ва шишларга қарши таъсир қиладиган янги антибиотикларни яратиш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ишларнинг биринчи навбатда ривожлантирилиши таъминлансин. Тайёр дори-дармонлар ишлаб чиқариш миқдори ва уларнинг турлари кўпайтирилсин. Касалликларнинг олдини олиш, диагноз қўйиш, беморларни даволаш ва парваришлаш учун керакли медицина ускуналари ва техника воситалари ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

IV. Қишлоқ хўжалиги

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги вазифа шундан иборатки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг ўртача йиллик миқдори ўтган беш йилликдагига нисбатан 20—22 процент оширилсин, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига ва саноатнинг хом ашёга бўлган ва тобора ошиб бораётган эҳтиёжлари тўлароқ қондирилсин. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, деҳқончилик ва чорвачиликни химиялаштириш, комплекс механизациялаш йўли билан уни интенсивлаштириш йўлини изчиллик билан амалга ошириш, ерларни кенг мелиорациялаш бу вазифани бажаришнинг ҳал қилувчи шартидир. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш кенгайтирилсин, марказлаштириш кучайтирилсин, колхоз ва совхозларнинг қишлоқ хўжалик ерларидан, техника ҳамда меҳнат ресурсларидан фойдаланиши яхшилансин.

Тупроқнинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг илғор технологиясини жорий этиш, минерал ва органик ўғитлардан рационал фойдаланиш, ерларни кенг мелиорациялаш, эрозияга қарши тадбирларни ўтказиш, уруғчиликни яхшилаш йўли билан қишлоқ хўжалик экинларининг **ҳосилдорлигини ҳамма жойда ошириш** таъминлансин, бунга ана шу экинларнинг энг серҳосил навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳосилнинг нобуд бўлишига барҳам бериш, экин майдонларининг структурасини такомиллаштириш, тўғри алмашлаб экишни ўзлаштириш йўли билан эришилсин. Ер ресурсларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлинсин, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига мўлжалланмаган ерларни ортиқча ажратишга йўл қўйилмасин. Эрозияга қарши ва мелиорация тадбирларини амалга оширишда ердан фойдаланувчиларнинг, қишлоқ сув ва ўрмон хўжалиги органларининг масъулияти оширилсин.

Янги беш йилликда ҳам дон етиштиришни кўпайтириш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг марказий проблемаси бўлиб қолишини назарда тутиб, ҳар бир колхоз ва совхозда дон экинларининг ҳосилдорлиги анча оширилсин. Беш йиллик мобайнида мамлакатда ҳар йили етиштириладиган доннинг ўртача миқдори камида 195 миллион тонна бўлиши таъминлансин. Суғориладиган ва захи қочирилган ерларда дон етиштиришни кенгайтириш. Украинанинг жанубидаги, Шимолий Кавказдаги ва Волга бўйидаги суғориладиган ерларда гарантияланган товар дон етиштиришнинг йирик районларини вужудга келтириш ишлари кучайтирилсин. Бақувват ва қаттиқ буғдой, шоли, крупа экинлари ва пивобоп арпадан иборат юқори сифатли дон етиштириш кўпайтирилсин. Дон хўжалигида машиналар системаси муттасил такомиллаштириб борилсин.

Картошка ва сабзавот етиштириш, айниқса ана шу экинларнинг эртаги навларини етиштириш кўпайтирилсин; картошка ва сабзавот етиштириш учун суғориладиган ҳамда одоқ ерлардан самарали фойдаланилсин, ана шу маҳсулотларни товар тарзида етиштириш учун ихтисослаштирилган зоналар кенгайтирилсин, янги теплица хўжаликлари вужудга келтирилсин, мева ва узум етиштириш кўпайтирилсин, омборлар ва холодильникларнинг ҳажми анча кенгайтирилсин, колхозлар, совхозлар ва тайёрлов ташкилотларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи цехларнинг қувватлари оширилсин; ана шу хўжаликларнинг ихтисослаштирилган транспорт билан таъминланиши кучайтирилсин, шунингдек картошка, сабзавот, мева тайёрлашни ташкил этиш яхшилансин.

Энг серҳосил, касалликларга чидамли пахта навларини жорий этиш, пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, янгидан суғориладиган ерларда пахта майдонини кенгайтириш йўли билан 1975 йилда пахта етиштириш 7,0 — 7,2 миллион тоннага етказилсин. Пахта етиштириш ва уни теришнинг механизациялаш даражаси оширилсин, ғўзалар зарур даражадаги минерал ўғитлар, гербицидлар ва заҳарли химикатлар билан тўла таъминлансин.

Қанд лавлаги, тамаки, зиғир пояси, наша ўсимлиги, кунгабоқар, соя ва бошқа мойли ҳамда техника ўсимликлари етиштириш асосан уларнинг ҳосилдорлигини анча ошириш йўли билан кўпайтирилсин.

Ҳар бир хўжаликда озуқа базасини мустаҳкамлаш, моллар ва паррандаларнинг наслини яхшилаш ҳамда уларнинг бир йўла туёғини ўстирган ҳолда маҳсулдорлигини ошириш юзасидан самарали тадбирлар системасини амалга ошириш асосида **чорвачиликни** янада **ривожлантириш** таъминлансин.

Мамлакатда беш йиллик мобайнида ўртача йиллик гўшт етиштириш камида 14,3 миллион тоннага (сўйилган вазнда), сут — 92,3 миллион тоннага, тухум — 46,7 миллиард донага ва жун — 464 минг тоннага етказилсин.

Интенсив сут чорвачилигини янада ривожлантириш амалга оширилсин, ихтисослаштирилган гўштга мўлжалланган чорвачилик ва паррандачилик ривожлантирилсин. Айниқса товар, жун ва қоракўл тери, шунингдек гўшт ва пўстинбоп қўй териси етиштириладиган районларда ва хўжаликларда қўй ҳамда эчкилар туёғи анча кўпайтирилсин ва уларнинг маҳсулдорлиги оширилсин.

Чорвачиликнинг мустаҳкам озиқ-овқат базасини тезроқ вужудга келтириш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблансин. Жамоат чорвачилиги, шунингдек шахсий хўжалигида чорва моллар бўлган колхозчилар ва совхоз ходимлари хонадонларининг пичан, силос, ўт уни, илдиз мевали озуқаларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш учун ана шу озуқаларни етиштиришни анча кўпайтиришга эришилсин, айниқса суғорилган ва захи қочирилган ерларда маккажўхори дони, арпа, сули ва дон дуккакли экинлар ҳосилини етиштириш асосан уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига анча кўпайтирилсин, кўп йиллик ўтлар майдони кенгайтирилсин ва ҳосилдорлиги оширилсин. Озуқани тайёрлаш ва сақлашнинг прогрессив методлари — пичанни плюшилкалардан фойдаланган ва актив шамоллатиб қуритган ҳолда йиғиб олиш, сенаж ва ўт уни тайёрлаш кенг жорий этилсин. Маҳсулдор ўтлоқлар ва яйловлар вужудга келтирилсин, озуқабоп экинлар етиштириш учун ёғин сувлари билан суғориладиган майдонлар кенгайтирилсин. Қозоғистон, Ўрта Осиё, Волга бўйи, Ғарбий ва Шарқий Сибирь ва Шимолий Кавказнинг қўйчилик ривожланган ҳамда яйлов чорвачилиги районларида табиий пичанзорларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан чоралар амалга оширилсин, «Қора ер» ва Қизлар яйловларидан самарали фойдаланиш юзасидан зарур ишлар бажарилсин.

Чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлаш учун омухта ем ва микробиология саноати тез суръатлар билан ривожлантирилсин. Беш йилликнинг охирига бориб давлат корхоналарида омухта ем ишлаб чиқариш камида 30 миллион тоннага ва оқсил — витамин қўшимчалари тайёрлаш 1 миллион тоннага етказилсин.

Колхоз ва совхозларда уларнинг донидан ва давлат корхоналари ишлаб чиқарадиган оксил — витамин қўшимчалардан фойдаланган ҳолда омухта ем ишлаб чиқариш кенг миқёсда ташкил этилсин.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни тезлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида колхоз ва совхозларда механизациялашган чорвачилик фермалари қурилиши таъминлансин, саноат асосида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича шаҳарлар яқинида йирик давлат комплекслари, колхоз ва колхозлараро комплекслар, шунингдек паррандачилик фабрикалари қурилиши авж олдирилсин. Совхозларда, колхозларда, саноат корхоналари ва умумий овқатланиш корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида ёш қорамоллар ва чўчқа болаларини интенсив боқиб семиртириш ташкил этилсин.

Мўйна берадиган ҳайвонлар, қуёнлар, кўл балиқчилиги ва асаларичиликни янада ривожлантириш таъминлансин.

Колхоз ва совхозлар шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишда, чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтиришда қишлоқ аҳолисига ёрдам кўрсатсинлар.

Дон, гўшт, картошка, мева ва сабзавот, шунингдек бошқа маҳсулотлар ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсининг **сифатини ошириш** чоралари кўрилсин.

Экинларнинг янги навларини, чорва моллар ва паррандаларнинг янги зотларини етиштириш бўйича селекция иши кучайтирилсин. Суғориладиган ва захи қочирилган ерларда, шунингдек минерал ўғитлардан юқори норма билан фойдаланиш шароитида етиштириш учун дон экинларининг ётиб қолмайдиган ва касалликларга чидамли навларини ҳамда гибридларини яратиш энг муҳим вазифа, деб ҳисоблансин. Қишлоқ хўжалик экинларининг сермаҳсул навларини ва чорва молларининг зотларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш таъминлансин.

Етиштириш, ўриб йиғиб олиш, ташиш, сақлаш ва реализация қилишнинг ҳамма босқичларида маҳсулотнинг нобуд бўлиши ва унинг сифати пасайишининг олдини олиш юзасидан қатъий чоралар кўрилсин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари **тайёрлаш** ва уни давлатга пландан ташқари сотганлик учун хўжаликларни оширилган **нархларни қўллаш** йўли билан рағбатлантиришнинг **қатъий планлари принципи** сақлансин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш асосида шунга эришмоқ керакки, товар дон етиштириш билан шуғулланувчи ҳар бир колхоз ва совхоз, ҳар бир область, ўлка ва республика фақат қатъий планларини бажарибгина қолмай, балки беш йиллик мобайнида давлатга кам деганда пландан ташқари 35 процент дон сотсин; ҳар бир колхоз ва совхоз ҳар йили давлатга **пландан ташқари камида 8 — 10 процент** чорвачилик маҳсулотлари сотиши таъминлансин.

Саноат ва савдо корхоналарининг колхозлар ва совхозлар билан тўғридан тўғри алоқалари ҳар тарафлама ривожлантирилсин ва мустаҳкамлансин, маҳсулотни бевосита хўжаликларда қабул қилиб олиш ва уни тайёрлов ташкилотларининг ихтисослаштирилган транспорти билан ташишга ўтиш изчил амалга оширилсин.

1975 йилга бориб қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган минерал ўғитлар 72 миллион тоннага ва озуқа фосфатлари 3 миллион тоннага етказилсин.

Органик ўғитларни қўллаш, шўрхок ерларни оҳаклаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва умуман деҳқончилик маданиятини кўтариш билан мувофиқлаштирган ҳолда минерал ўғитлардан тупроқ-иқлим зоналарига нисбатан самарали фойдаланиш усуллари кенг жорий қилинсин.

Минерал ўғитлардан энг самарали фойдаланиш ва уларни сақлаш, ташиш ва ерга солиш вақтида нобуд бўлишини камайтириш таъминлансин. Минерал ўғитларни қоп-қанорсиз ташишга, ортиш ва тушириш ҳамда ўғитларни ерга солиш ишларини комплекс механизациялашга аста-секин ўтиш амалга оширилсин. Ўғитларни сақлаш учун омборлар қуриш кенгайтирилсин. Минерал ўғитлар омборлари жойлаштирилганда ўғитларни ташиш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиришни максимал даражада камайтириш зарурлиги ҳисобга олинсин. Омборларда ва хўжаликларда ўғитларни аралаштирувчи установкаларнинг кенг тармоғи вужудга келтирилсин. Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий ва биологик воситаларини ишлаб чиқариш ва қўлланиш кўпайтирилсин.

Беш йиллик мобайнида ёмғир суви ёрдамида суғориладиган ерларни ҳам қўшганда 3 миллион гектар янги **суғориладиган ерлар** фойдаланишга топширилсин, 41,2 миллион гектар майдонда яйловларга сув чиқариш, мавжуд суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш ишлари амалга оширилсин.

Каховка ва Куйбишев суғориш системаларидаги, шунингдек катта Ставрополь, Шимолий Қрим ва Саратов каналлари зонасида йирик сув хўжалиги объектларида олиб борилаётган қурилиш ишлари суръати оширилсин. Краснодар ўлкаси, Астрахан ва Ростов областларида, Приморье ўлкасида, Қозоғистон ва Ўзбекистон ССРда шоли экиш учун инженерлик системалари қурилиши давом эттирилсин. 1975 йилда шоли етиштириш 2 миллион тоннага етказилсин.

Асосан Қарши ва Шеробод чўлларида, Қорақум канали зонасида ва Фарғона водийсида ишларни тезлаштириш ва Мирзачўлда ишларни туғаллаш ҳисобига чигит экиш учун 650 минг гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилсин.

Намлик даражаси юқори бўлган зоналарда 5 миллион гектар майдонда, шу жумладан ёпиқ зовурлар билан 3 миллион гектар майдонда қишлоқ хўжалик ерларининг захи қочирилсин.

Сув хўжалиги ва мелиорация қурилишининг сифати анча яхшилансин, унинг таннархи камайтирилсин.

Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиш яхшилансин, мелиорациялаштирилган ерларда етиштириладиган барча экинларнинг ҳосилдорлигини анча ошириш таъминлансин, ана шу мақсад учун зарур миқдордаги ўғит ва техника ажратилсин.

Сув тақсимлашни автоматлаштириш ва суғориш техникасининг юқори унумли воситалари билан шунингдек, тупроқнинг оптимал биологик режимини вужудга келтиришни таъминловчи заҳ қочириш системалари билан суғориш ва сув чиқаришнинг техника жиҳатидан мукаммал системалар лойиҳалари ишлаб чиқилсин ва уларнинг қурилиши амалга оширилсин.

Беш йиллик мобайнида колхоз ва совхозларда **меҳнат унумдорлиги** 37-40 процент оширилсин, маҳсулотнинг таннархи анча камайтирилсин. Шу мақсадда қуйидагилар таъминлансин:

бу хўжаликларни қуввати оширилган тракторлар, иш унуми юқори бўлган ғалла ўриш комбайнлари, кенг қамровли ва кўп қаторли машиналар, шунингдек агрегат бир марта юриб ўтганда бир нечта технология жараёнини бажарадиган комбинациялашган машиналар билан таъминлаш;

қишлоқ хўжалигига иш унуми юқори бўлган ер қазиш ва мелиорация техникаси, тез юрадиган ва кўп юк кўтарадиган автомобиллар, автосамосваллар, автомобиль ва трактор прицеплари, ихтисослаштирилган автомобиль транспорти, автобуслар етказиб беришни кўпайтириш;

қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, айниқса чорвачиликни ва озуқа тайёрлашни комплекс механизациялаш ҳамда автоматлаштириш учун зарур бўлган машиналар ва ускуналарнинг саноат асосида маҳсулот етиштириш бўйича чорвачилик комплекслари учун машиналар, ускуналар ва технология линияларини ҳам қўшган ҳолда, янги типларини яратиш;

картошка, сабзавот, мева ва узум сақлаш учун, шунингдек сабзавот етиштириш бўйича саноат теплица комбинатлари учун ҳарорат ва намликни автомат равишда тартибга келтириб турадиган механизациялашган мева, сабзавот омборлари учун ускуналар яратиш.

Беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигига 1700 минг трактор (шу жумладан 705 минг ҳайдов трактори), 1100 минг юк автомобили, 1500 минг трактор прицепи, 87 минг экскаватор, 82 минг бульдозер 42,5 минг скрепер, шунингдек 15 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалик машиналари, шу жумладан 541 минг ғалла ўрадиган комбайн, 230 минг силос йиғиштирадиган ва 60 минг лавлаги қазийдиган комбайн, чорвачиликда ва озуқа тайёрлашдаги ишларни механизациялаш учун 6 миллиард сўмлик машиналар етказиб берилсин. Тракторлар, автомобиллар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг эҳтиёт қисмларига бўлган талаблар тўла қондирилсин. Қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган машиналар ва ускуналарнинг техника даражаси, сифати, пишиқ-пухталиги ва хизмат қилиш муддати оширилсин.

Ремонт базасини янада ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигидаги автомобилларга техника хизмати кўрсатиш станциялари тармоғини вужудга келтириш таъминлансин. Машиналар ва ускуналарни ремонт қилиш ва техника хизмати кўрсатиш сифати оширилсин. «Союзсельхозтехника» корхоналари ва ташкилотлари томонидан колхоз ва совхозларга кўрсатиладиган инженер-техника ва ишлаб чиқариш хизмати яхшилансин.

Қишлоқ хўжалигининг электр билан қуролланиши оширилсин, беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, шунингдек қишлоқ аҳолисининг коммунал-маиший эҳтиёжларига ажратиладиган электр энергиясининг ҳажми 2 баравар кўпайтирилсин. Мамлакатдаги барча колхоз ва совхозлар, ана шу хўжаликлардаги ишлаб чиқариш, маданий-маиший бинолар ва уй-жойлар асосан давлат энергетика системалари ва электр станцияларининг электр энергияси билан таъминлансин. Қишлоқ хўжалигига, шу жумладан бошқарув ва автоматлаштириш системалари учун зарур миқдорда электр ускуналари, электр аппаратлари ва кабель маҳсулотлари етказиб берилсин.

Ишлаб чиқариш, уй-жой ва маданий-маиший қурилишни ҳамда техника сотиб олишни ҳам қўшган ҳолда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга 82,2 миллиард сўм миқдорида давлат капитал маблағи ажратилсин. Йиллик планларни бажариш жараёнида қўшимча молиявий ва моддий ресурслар қидириб топилсин ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлансин.

Капитал маблағлардан фойдаланишнинг самарадорлиги анча оширилсин, қишлоқ хўжалик объектларини лойиҳалаштириш тубдан яхшилансин. Энг тежамли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва қўлланиш ҳисобига қишлоқ хўжалик қурилишининг таннархи камайтирилсин.

Қишлоқ жойларидаги меҳнат ресурсларидан йил давомида тўлароқ ва бир хилда фойдаланиш, хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида колхоз ва совхозларда биринчи навбатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш, маҳаллий хом ашёдан қурилиш материаллари ва халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш бўйича **ёрдамчи саноат ишлаб чиқаришини ва корхоналарни** янада ривожлантириш таъминлансин. Қишлоқ хўжалик корхоналари билан саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш алоқалари ривожлантирилсин. Колхозлараро ва давлат-колхоз корхоналари ҳамда ташкилотлари тузишга ва уларнинг фаолиятини яхшилашга ёрдам берилсин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги оширилсин. Илмий-тадқиқот ташкилотларининг диққат-эътибори қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг перспектив проблемаларини ҳал қилишга, экинларнинг юқори ҳосилли навлари, чорва моллар ва паррандаларнинг энг маҳсулдор зотларини яратиш ва амалда жорий қилишни тезлаштиришга, ишлаб чиқаришнинг самарали технологик жараёнларини ва уни комплекс механизациялаш воситаларини, экинлар ва чорва молларни зараркунандалар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилишнинг прогрессив методларини жорий этишга, шунингдек ердан, техникадан ва меҳнат ресурсларидан энг рационал фойдаланиш проблемаларини ҳал этишга қаратилсин. Илмий-тадқиқот муассасалари ва ўқув юртларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин.

Колхоз ва совхозларни доимий малакали механизатор кадрлар, чорвачилик ходимлари, бригадирлар ва бошқа мутахассислар билан таъминлаш, уларнинг малакасини ошириш, қишлоқ хўжалик ходимларининг меҳнат ва маиший шароитини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилсин. Қишлоқ хўжалигида ишлаш учун агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари, инженерлар, экономистлар ва бошқа ихтисосдаги мутахассислар тайёрлаш яхшилансин.

(Давоми тўртинчи бетда).

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(Боши 1, 2 ва 3-бетларда).

Колхоз-совхоз ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги оширилсин. Колхоз ва совхозларда меҳнатни ташкил қилиш яхшилансин, меҳнатга ҳақ тўлаш системаси қишлоқ хўжалик ходимларининг маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштиришдан моддий манфаатдорлигини оширишга қаратиб такомиллаштирилсин. Совхозларни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш тугаллансин.

Ўрмон хўжалигининг техника билан қуролланиш ва химиялаштириш даражасини ошириш асосида уни бошқариш яхшилансин, давлат ўрмон фондининг ўрмон ресурслари ва ерларидан тўлароқ фойдаланилсин, ўрмонларнинг маҳсулдорлиги ва сифат состави оширилсин. 12 миллион гектар майдонда ўрмонларни тиклаш ва иҳота дарахтзорларини вужудга келтириш, 1,3 миллион гектар майдондаги ўрмонлар ерининг заҳини қочириш ишлари амалга оширилсин, ўрмонларни парвариш қилиш ишлари кенгайтирилсин, ўрмонларни ёнғиндан сақлаш кучайтирилсин.

Табиатни муҳофаза қилиш кучайтирилсин. Табиий ресурслар — ер, сув, атмосфера, фойдали қазилмалардан рационал фойдаланиш учун, шунингдек ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўпайтириш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг жавобгарлиги оширилсин.

V. Транспорт ва алоқа

Транспортни янада ривожлантириш, халқ хўжалигининг ва аҳолининг юк ва пассажир ташишга бўлган эҳтиёжларини, пассажирларни ташишни тезлаштириш эҳтиёжларини узлуксиз ва ўз вақтида қондириб турмоқ, юкларни етказиб беришни ва пассажирлар ташишни тезлаштирмоқ, шунингдек, транспортнинг ўтказиш ва ташиш резервларини вужудга келтирмоқ учун транспорт системасининг қувватини ва маневрчанлигини ошириш таъминлансин. Ҳамма турдаги транспортнинг юк обороти 32-35 процент кўпайтирилсин.

Транспортни техника билан таъминлаш яхшилансин, алоқа йўллари шаҳобчалари, айниқса мамлакатнинг Шарқий районларида кенгайтирилсин ва кучайтирилсин.

Транспорт ишининг самарадорлиги оширилсин, транспорт воситаларидан фойдаланишни янада яхшилашга эришилсин, барча транспорт турлари ишини координациялаш яхшилансин. Кўп юк жойлаштириладиган контейнерларни ишга солиб, юкларни контейнерларда ва пакетларда ташиш кенгайтирилсин. Транспорт воситаларининг тўхтаб қолиши ва бўш қатнови камайтирилсин. Юк ортиш ва юк бўшатиш ишларини комплекс механизациялаш даражаси оширилсин, транспорт воситаларини ремонт қилиб берадиган ва запас қисмлар ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг қуввати кўпайтирилсин. Транспорт воситаларини ремонт қилиш технологияси такомиллаштирилсин, ремонтни ихтисослаштириш кенг равишда амалга оширилаверсин. Транспортда ёқилғи сарфланиш салмоғи 6—8 процент камайтирилсин.

Саноат транспортининг барча турлари янада ривожлантирилсин ва уларни техника билан таъминлаш яхшилансин.

Темирйўлларнинг поездларни ўтказиш ва юк ташиш қобилиятини кўпайтириш **темирйўл транспортини** ривожлантиришда асосий йўналиш деб ҳисоблансин.

Темирйўл транспортининг юк обороти тахминан 22 процент оширилсин.

Кузбасс — Урал, Урал — Марказ, Донбасс — мамлакатнинг ғарбий районлари томон олиб борадиган темирйўлларда ва юк ташиш кўпайиб кетган бошқа томонларда 7—8 минг километр иккинчи йўллар қурилсин. 6—7 минг километр темирйўл электрлаштирилсин, шунингдек, темирйўлларни автоблокировка ва марказлаштирилган диспетчерлик воситалари билан ускуналаш давом эттирилсин. Янги саноат районларининг ошиб бораётган транспорт-иқтисодий алоқаларни таъминламоқ ва шу районларга хизмат кўрсатмоқ учун 5—6 минг километр янги темирйўл қурилсин. Беш йил ичида темирйўл транспортига 420—430 минг магистрал юк вагонлари етказиб берилсин. Кўп юк ортиладиган вагонларни ва қувватли локомотивларни ишга солиш йўли билан поездларнинг вазни ва ҳаракат тезлиги оширилсин. Юкларни маршрут поездлари ва оғир вазнли поездлар билан ташиш кенг жорий қилинсин.

Станциялар, узелларда ва корхоналарнинг темирйўл шоҳобчаларида юкларни бўшатиш ва ортиш қобилияти кўпайтирилсин. Темирйўл транспортининг маневр ишида прогрессив тортиш воситаларининг салмоғи оширилиб, 80—82 процентга етказилсин. Темир-бетон ва шпаллар, туташтирилган темир излар ётқизиш ва термик усулда ишланган рельслар ётқизиш ҳисобига йўлларнинг устки тузилиши кучайтирилсин. Йўл ишларини механизациялаш даражаси оширилсин.

Темирйўл транспортида меҳнат унумдорлиги 23 процент оширилсин.

Денгиз транспортининг юк обороти 1,4 баравар кўпайтирилсин. Транспорт флоти кема механизмларини ва системаларини бошқариш комплекслаш автоматлаштирилган юксак даражада тежамли, универсал ва ихтисослаштирилган кемалар билан, шу жумладан, кўп юк жойлаштирилган контейнерларни, ускуналарни ва тез бузиладиган юкларни ташиб берадиган кемалар билан тўлдирилсин. Денгиз—дарё — денгиз маршрутларида қатнай оладиган кемалар билан юк ташиш ишлари кенгайтирилсин.

Денгиз портларининг кемаларни ўтказиш қобилияти кенгайтирилаверсин, бундай портларда контейнерларни юклайдиган ва бўшатадиган, юкларни ва ёғоч-тахталарни бир транспорт воситасидан олиб иккинчисига юклаб берадиган юксак даражада механизациялаштирилган махсус юклаш-юк бўшатиш комплекслари вужудга келтирилсин. Узоқ Шарқда Находка районида таги чуқурлаштирилган портнинг биринчи навбати қуриб битказилсин ва Қора денгизда порт қуриш бошлаб юборилсин. Кемаларни ремонт қилиб берадиган корхоналарнинг қувватлари кўпайтирилаверсин.

Дарё транспортини янада ривожлантирилсин, унинг юк обороти тахминан 24 процент кўпайтирилсин. Мамлакатнинг шарқий районларидаги сув йўлларини яхшилаш ишлари давом эттирилсин. Дарё портлар ва пристанларини иш унуми юксак бўлган, юкларни ортиб ва бўшатиб берадиган машиналар билан таъминлаш ҳамда механизациялаштирилган янги причаллар қуриш ҳисобига шу портларнинг ва пристанларнинг кемаларни ўтказиш қобилияти кенгайтирилсин. Дарё флоти катта тонналп юк кемалари ва кўп юк кўтара оладиган секцияли составлар билан, шу жумладан денгиз ва дарёлар шароитида юкларни бир транспорт воситаси билан иккинчисига ўтказмай ташиб берадиган секцияли составлар билан, шунингдек, пассажир ташийдиган тезюрар кемалар билан тўлдирилсин. Юк ташиш таннархи анча камайтирилсин.

Магистрал **трубопроводлар** шохобчаларини тез ривожлантириш таъминлансин. Нефтни Ғарбий Сибирдан мамлакатнинг Европа қисмига ва шарқий районларига трубалар орқали ташиш учун трубопроводларнинг бақувват системаси вужудга келтирилсин.

Нефть маҳсулотларини трубалар орқали юбориб туриш учун 27 минг километр нефть қувури қурилсин. Нефть ва нефть маҳсулотларини трубалар **орқали ташиш икки** баравардан зиёдроқ кўпайтирилсин.

Автомобиль транспортини, аввало, умум фойдаланадиган транспортни янада ривожлантириш энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблансин. Умум фойдаланадиган автомобиль транспортининг юк оборотини 1,6 баравар ошириш таъминлансин. Автомобиль йўлларини, айниқса қишлоқ хўжалик ва янги саноат районларида қуриш ва реконструкция қилиш кенгайтирилсин.

Юк автомобиллари паркининг структураси яхшилансин, кўп юк ортиладиган автомобилларнинг ва автомобиль поездларининг салмоғи оширилсин. Кам тоннажли автомобиллар сони кўпайтирилсин. Автотранспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш яхшилансин. Юк автомобилларининг бўш қатнаши ва бекор туриб қолиши камайтирилсин. Автомобилларнинг кун бўйи ишлаш муддати кўпайтирилсин.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш анча яхшилансин. Умум фойдаланиладиган барча транспорт воситалари билан пассажирлар ташиш 1,4 баравар, шу жумладан, ҳаво транспорти билан пассажирлар ташиш 1,7 баравар, автобусларда пассажирлар ташиш 1,6 баравар ва темирйўл транспорти билан пассажирлар ташиш 24 процент кўпайтирилсин. Шаҳар электр транспортида пассажирлар ташиш ривожлантирилаверсин, енгил таксилар кўпайтирилсин ва транспортнинг шу турлари билан аҳолига хизмат кўрсатиш яхшилансин. Аҳолини туристик саёҳатлар-экскурсияларга транспорт воситаларида олиб бориш анча кўпайтирилсин.

Ҳаво йўлларида комфортабель, тез учар ва тағин ҳам тежамлироқ янги самолётлар жорий қилинсин. Пассажирлар ташиш учун товушдан тез учар самолётларни ишлатиш бошлаб юборилсин. Магистрал ва маҳаллий ҳаво йўлларидаги аэропортлар кўпайтирилсин.

Темирйўлларнинг пассажир ташийдиган вагонлар парки янги, тағин ҳам такомиллаштирилган комфортабель пассажир вагонлари билан тўлдирилсин. Йирик шаҳарлар аҳолисини иш жойига ва дам олиш зоналарига элтиб қўйиш шароитини яхшиламоқ учун шаҳар атрофи йўлларида қатнов кўп бўлган темир йўллар электрлаштирилсин, шаҳар атрофи поездларининг қатнаши кўпайтирилсин.

Автобус парки анча кўпайтирилсин. Автотранспортга техникавий хизмат кўрсатиш станциялари, шу жумладан, шахсий автомобилларга хизмат кўрсатиш станциялари 2,5 баравар кўпайтирилсин.

Энг янги техника воситаларидан фойдаланиш асосида **алоқа, радио эшиттириш ва телевидение** янада ривожлантирилсин. Кабель ва радиореле алоқа йўлларини кўпайтириш ва шу йўлларнинг шохобчаларидан фойдаланишни яхшилаш ҳисобига шаҳарлараро телефон алоқасининг узунлиги 1,9 баравар кўпайтирилсин. Москванинг иттифоқдош республикалар пойтахтлари ва энг катта саноат марказлари билан алоқа қилишини таъминлайдиган автомат ва ярим автомат, телефон алоқа линияларини вужудга келтириш ишлари поёнига етказилсин. Шаҳарлардаги ва қишлоқ жойлардаги телефон станцияларининг ҳажми 1,5 баравар кўпайтирилсин. Алоқа боғламоқ ва телевизион программаларни эшиттирмоқ учун Ернинг сунъий йўлдошларидан фойдаланиб, радиоэшиттириш ва телевизион станцияларининг шохобчалари кенгайтирилсин. Марказий телевидениенинг иккита телевизион программасини иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида ва катта саноат марказларида муттасил қабул қилиб турилиши таъминлансин. Алоқа воситаларининг ҳамма турлари билан хизмат кўрсатиш анча кенгайтирилсин ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифати яхшилансин.

VI. Капитал қурилиш

Экономикани ривожлантириш ҳамда халқ турмушининг фаровонлигини ва маданий савиясини ошириш борасида мўлжалланган топшириқларни бажариш учун халқ хўжалигига беш йил ичида сарфланадиган капитал маблағларни 36—40 процент кўпайтириш кўзда тутилсин.

Сарфланадиган капитал маблағларнинг самарадорлиги анча оширилсин, сарфланадиган маблағнинг ҳар сўми ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни энг кўп миқдорда кўпайтирмоқ учун қурилишга ажратиб берилаётган моддий ва молиявий ресурслардан ғоят рационал равишда фойдаланиш таъминлансин. Шу мақсадда:

илғор технологияни жорий қилиш, эскириб қолган ускуналарни модернизация қилиш ва алмаштириш ҳамда қоида тариқасида, ишлаб чиқариш майдонларини кенгайтирмай туриб, камроқ маблағ сарфлаш ва янги қурилишга нисбатан қисқароқ муддатларда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришга имкон берадиган бошқа тадбирларни амалга ошириш йўли билан корхоналарнинг, аввало, ишлаб турган корхоналарнинг қуввати оширилсин;

капитал маблағларни зарур даражада концентрациялаш, корхоналарни тезроқ ишга туширмоқ ва қувватларнинг зарур запасларини вужудга келтирмоқ учун айни бир вақтда қурилаётган корхоналар ва объектлар сонини қисқартириш таъминлансин. Битмаган қурилишларнинг нормативдан ошиқ ҳажмда пайдо бўлишига йўл қўйилмасин;

корхоналарни қуриш ва янги ишга туширилаётган корхоналарда қувватларни ўзлаштириш муддатлари қисқартирилсин, бу муддатлар белгилаб қўйилгани нормативга мувофиқлаштирилсин;

ишлаб чиқариш объектларини, уй-жой биноларини, болалар муассасаларини ва ишлаб чиқариш учун фойдаланишга мўлжалланмаган бошқа объектларни комплекс тарзда қуриш амалга оширилсин;

кўмакчи ишлаб чиқариш ва хўжалик объектлари, инженерлик иншоотлари ва коммуникацияларидан группа бўлиб муштарак тарзда фойдаланиладиган саноат корхоналарини қуриш практикаси кенгайтирилсин.

Лойиҳалаш-смета ишлари яхшилансин. Лойиҳаларнинг сифати, қурилишнинг смета қийматини тўғри белгилаб бериш учун лойиҳалаш ташкилотларининг, министрликлар, идораларнинг, шунингдек, экспертиза органларининг масъулияти оширилсин. Янги корхоналар қуриш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш лойиҳаларини тузиш чоғида энг мукаммал технология, қурилиш ва архитектура-планлаштириш усуллари қўлланилсин. Қурилишнинг энг рационал йўлларини кўрсатиб, лойиҳалаш йўли билан қурилишнинг смета қийматини камида 3—5 процент камайтириш таъминлансин.

Қурилиш ташкилотларининг қувватлари тез суръатлар билан ривожлантирилсин. Қурилишни индустрлаштириш даражаси оширилсин. Қурилиш конструкциялари ва деталларини заводда тайёрлаб бериш даражаси оширилсин. Иншоотларни тўла равишда йиғма конструкциялардан қуриш практикаси кенгайтирилсин. Янги самарали материалларни ва енгиллаштирилган конструкцияларни оммавий равишда қўлланиш таъминлансин. Маҳаллий қурилиш материалларидан кенг фойдаланилсин. Қурилишда материал ресурсларидан фойдаланиш яхшилансин, беш йил ичида 9—11 процент миқдорида металл прокатни, 8—10 процент миқдорида цементни, 18—20 процент миқдорида ёғоч-тахталарни, 10—12 процент миқдорида ойнани тежаш таъминлансин.

Қурилишни иш унуми юксак машиналар ва транспорт воситалари билан таъминланиш даражаси оширилсин, ер қазийдиган техниканинг эскириб қолганларини алмаштириш тезлаштирилсин. Қурилиш техникасидан фойдаланиш кескин равишда яхшилансин. Қурилишнинг ремонт-эксплуатация базасини ривожлантириш ва унинг техникавий базасини ошириш таъминлансин.

Қурилишлар энг кўп тўпланган жойларда қурилиш индустриясининг ихтисослаштирилган район ва районлараро ишлаб чиқариш базалари вужудга келтирилсин, қурилиш ташкилотларининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги 36—40 процент оширилсин.

VII. Халқнинг турмуш даражасини ошириш

Ижтимоий ишлаб чиқаришни тўхтовсиз ўстириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини тез ривожлантириш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш асосида халқнинг турмуш даражасини янада анча юксалтириш таъминлансин. Реал даромадлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда беш йил ичида 30 процент чамаси оширилсин.

Меҳнатнинг миқдори ва суръатига мувофиқ **меҳнатга ҳақ тўлаш такомиллаштирилсин.** Ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 20—22 процент, колхозларнинг ижтимоий хўжалигида колхозчилар меҳнатига тўланаётган ҳақ ўрта ҳисобда 30—35 процент оширилсин.

Халқ хўжалиги тармоқларида ва ходимларнинг категориялари бўйича ходимлар меҳнати шароитини ва малакасини ҳисобга олиб, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашдаги нисбатлар яхшилансин.

Тариф системасининг роли оширилсин, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишдан, ишлаб чиқариш чиқимларини камайтиришдан ва маҳсулот сифатини яхшилашдан манфаатдорлиги кучайтирилсин. Илғор техникани вужудга келтирганлик ва жорий қилганлик учун ҳамда янги маҳсулот ишлаб чиқариш тезроқ ўзлаштирилганлиги учун ходимларни моддий рағбатлантириш системасининг таъсирчанлиги кучайтирилсин.

Ишчилар хизматчилар ва корхона коллективларининг меҳнат натижаларидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш билан бир қаторда меҳнат қилишга моддий стимулларнинг роли бутун чоралар билан мустаҳкамланаверсин. Ҳар бир ходимнинг ўз зиммасига юкланган меҳнат вазифаларини бажариш учун бўлган масъулияти ва интизоми оширилсин.

Меҳнатни нормалаш яхшилансин, халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида меҳнатни илмий ташкил этиш кенг жорий қилинсин, ҳар бир ходимнинг меҳнатига тўланаётган ҳақ унинг ижтимоий ишлаб чиқаришдан ҳиссасига мувофиқ бўлиши учун техника жиҳатдан асосланган нормаларни қўллаш кенгайтирилсин.

Колхозларда юксак даражада унумли меҳнат қилганлик учун иқтисодий рағбатлантириш системаси яхшилансин.

Совет кишилари турмушининг моддий даражасини ва моддий савиясини оширишнинг муҳим манбаи бўлган **ижтимоий истеъмол фондларини янада ривожлантириш таъминлансин.** Шу фондлардан текин бериладиган моддий неъматлар ва кўрсатиладиган хизматларнинг ҳажми, шунингдек аҳолига пул билан бериладиган тўловлар миқдори беш йил ичида 40 процент кўпайтирилсин.

Болали совет хотинларига яхши меҳнат ва турмуш шароитлари ҳамда ёш авлодни тарбиялаш учун яхши имкониятлар яратиб бериш тадбирлари амалга оширилсин.

Болалар муассасалари кўпайтирилсин. Беш йил ичида давлат ҳисобидан 2 миллиондан кўпроқ ўринли мактабгача тарбия муассасалари қурилсин, куни узайтирилган мактаблар ва группалардаги ўқувчилар сони 1,5 миллион нафарга етказилсин.

Аҳолининг даромадлари ўсиб бораётганлигига ва истеъмол буюмларини ишлаб чиқариш кенгайтирилаётганлигига мувофиқ **чакана товар обороти 1,4 баравар кўпайтирилсин.**

Гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни, тухум, сабзавот, мева етиштиришни кўпайтириш, мана шу ва бошқа озиқ-овқат молларининг турларини кўпайтириш йўли билан аҳоли овқатининг структурасини яхшилаш давом эттирилсин.

Овқатларни уйда тайёрлашга кетадиган вақтни анча қисқартирмоқ учун ярим фабрикатлар, концентратлар, кулинария масаллиқлари ва бошқа масаллиқларни чиқариш кўпайтирилсин ва уларнинг сифати яхшилансин.

Умумий овқатланиш корхоналари, айниқса ишлаб чиқаришда ва ўқув юртларида анча кўпайтирилсин ва кенгайтирилсин. Умумий овқатланиш корхоналарининг обороти ва ўзи тайёрлаган маҳсулотларни чиқариши камида 1,5 баравар кўпайтирилсин ва шу билан бирга мазкур маҳсулотларнинг сифати анча яхшилансин ва хиллари кўпайтирилсин.

Кийим-кечаклар, пойафзаллар, айниқса болалар боп кийим-кечак ва пойафзаллар хили кўпайтирилсин. Аҳолига идиш-товоқ, мебель, холодильник ҳамда бошқа маданий, маиший ва рўзғор молларини, шунингдек ёқилғи ва қурилиш материалларини сотиш анча кўпайтирилсин.

Савдо шохобчалари кенгайтирилсин, савдо корхоналарини замонавий ускуналар билан таъминлашга алоҳида эътибор берилсин. Савдонинг прогрессив формалари бутун чоралар билан ривожлантирилсин, керакли миқдорда олдиндан тортиб ва ўраб қўйилган моллар кўпайтирилсин.

Қишлоқ жойларидаги аҳолини моллар билан таъминлаш яхшилансин. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга кўмакчилик қилаётган матлубот кооперациясининг савдо, маҳсулот тайёрлаш ва ишлаб чиқариш фаолияти ривожлантирилсин.

Истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳажми ва бу молларнинг хиллари савдо ташкилотларининг буюртмалари билан белгиланиши лозимлигини назарда тутиб, саноат билан савдо ўртасидаги алоқа системаси такомиллаштирилсин.

Пул билан таъминловчи ҳамма манбалар ҳисобидан **беш йил ичида умумий саҳни 565—575 миллион квадрат метрли уй-жой бинолари қурилсин.** Мамлакатнинг шарқий ва шимолий районларидаги ишчилар ва хизматчилар учун, шунингдек шаҳарлардан ташқарида янги қурилаётган корхоналарнинг ҳамда янги совхозларнинг ишчилари ва хизматчилари учун уйлар қуриб бериш бутун чоралар билан тезлаштирилсин. Олий ўқув юртларининг студентлари ва ўрта ўқув юртларининг ўқувчилари учун давлат маблағлари ҳисобидан ётоқхоналар қуриш кенгайтирилсин.

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш учун катта аҳамиятга эга бўлган уй-жой қуриш кооперацияси ривожлантирилсин. Якка тартибда уй-жой қуришга ёрдамлашилсин.

Уй-жой биноларини қуриш сифати оширилсин ва муддатлари қисқартирилсин. Бундай уй-жой биноларининг квартираларини ўнғайроқ қилиб жойлаштиришни, яхшироқ қилиб пардозлашни ва жиҳозлашни кўзда тутган янги типовой лойиҳалар асосида қуришга аста секин ўтиш амалга оширилсин.

Аҳоли пунктларини ободонлаштириш, аҳолига коммунал хизмати кўрсатишни яхшилаш ишлари кенгайтирилсин. Шаҳар аҳолисини марказлаштирилган водопровод суви билан таъминлаш асосан тугаллансин, беш йил ичида 700 та шаҳар ва ишчи посёлкаларида водопровод қурилсин. Шаҳарлардаги ва шаҳар типидаги посёлкалардаги уй-жой фондини газлаштириш 65—75 процентга, қишлоқ жойларда эса 40—50 процентга етказилсин. Электр-энергиядан аҳолининг маиший эҳтиёжлари учун фойдаланиш анча кўпайтирилсин.

Аҳоли пунктларининг ва атроф муҳитнинг санитария ҳолатини яхшилаш ишлари кучайтирилсин. Шу мақсадда саноат ва хонадонларнинг чиқит сувларини тозалаб берадиган иншоотларни, газлардан тозалайдиган ва чанг-тўзонни тўсиб қоладиган установкаларни қуриш ва реконструкция қилиш тезлаштирилсин, шаҳарлар ҳавосининг автомобиль газлари билан булғанишини камайтириш чоралари амалга оширилсин. Мамлакатнинг сув ресурсларидан рационал фойдаланиш ва уларнинг муҳофаза қилинишини кучайтириш ишлари давом эттирилсин. Шаҳарларни, ишчи посёлкаларини ва саноат корхоналарини сув билан таъминлашни назарда тутиб, сув хўжалик объектларининг ишга туширилиши таъминлансин.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш анча **яхшилансин.** Кўрсатилаётган маиший хизматнинг ҳамма турларига нисбатан меҳнаткашларнинг талабларини тўлароқ қондириш таъминлансин, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш маданияти ва сифати оширилсин, буюртмаларни бажариш муддатлари қисқартирилсин. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини кўпайтириш ва бу корхоналарни замонавий машиналар, механизмлар ва ускуналар билан таъминлаш, фан-техника муваффақиятларини жорий қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш асосида аҳолига маиший хизмат кўрсатишни механизациялаштирилган катта тармоқ тариқасида ривожлантириш давом эттирилсин. Умуман мамлакатда кўрсатилаётган маиший хизматлар ҳажми беш йил ичида камида 2 баравар, қишлоқ жойларда эса 2,3 баравар кўпайтирилсин.

Соғлиқни сақлашни янада яхшилаш чоралари амалга оширилсин. Ихтисослаштирилган ва кўп профилли касалхоналар, поликлиникалар, диспансерлар қуриш давом эттирилсин ва шу тариқа аҳолига ихтисослаштирилган медицина ёрдами кўрсатиш сифати оширилсин ва мана шундай медицина хизматининг ҳамма турлари билан аҳоли тўлиқроқ таъминлансин; тез ёрдам станциялари ва санитария-эпидемиология станциялари тармоғи кўпайтирилсин. Аҳолининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори-дармонларга ва бошқа медицина препаратларига бўлган талаблари таъминлансин. Касалхоналардаги ўринларнинг сони 1975 йилда 3 миллионтага етказилсин. Соғлиқни сақлаш муассасаларини энг яхши медицина ускуналари, аппаратлар, асбоблар билан таъминлаш яхшилансин. Медицина ва соғлиқни сақлашнинг энг муҳим проблемаларига доир илмий тадқиқотлар тағин ҳам кенгроқ ривожлантирилсин.

Врачлар кўпайтирилсин. Медицина **ходимларини тайёрлаш** даражаси оширилсин.

Меҳнаткашларни санаторий-курортларда даволаш ва ташкилий равишда дам олдириш янада ривожлантирилсин.

Янги спорт иншоотлари қуришни авж олдириб ва ишлаб турган иншоотлардан фойдаланиш даражасини ошириб, физкультура ва спортнинг оммавий турлари билан шуғулланиш учун шарт-шароит яхшилансин.

Туризмни кенг ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин, унинг моддий базаси мустаҳкамлансин. Дарёлар, денгизларда, темирйўлларда, автомобиль ва ҳаво транспортида саёҳат қилиш маршрутлари ривожлантирилсин. Туристларга хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар, кемпинглар ва бошқа объектларни қуриш кенгайтирилсин.

Инвалидлар ва қариялар учун интернат уйлар кўпайтирилсин. Инвалидларни транспорт воситалари ва протез-ортопедия буюмлари билан таъминлаш яхшилансин.

Халқ маорифи ва **социалистик маданиятни** янада ҳар томонлама ривожлантириш давом эттирилсин. Таълим-тарбия ишлари такомиллаштирилсин. Педагог кадрларни тайёрлаш сифати ва уларнинг малака даражаси оширилсин. Ёшларнинг майлини ва халқ хўжалигининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ёшларни касб ўрганишга йўллаш ишлари кучайтирилсин.

Давлат капитал маблағлари ҳисобидан камида 6 миллион ўринли умумий таълим мактаблари қурилсин, қишлоқлардаги ўқувчилар учун мактаблар ҳузуридаги интернатлар анча кўпайтирилсин.

Болалар билан мактабдан ташқарида олиб бориладиган ишлар анча яхшилансин, пионерлар уйлари, ёш техниклар ва табиётшунослар станциялари, шунингдек ёш авлодни тарбиялаш билан алоқадор бўлган бошқа болалар муассасалари кўпайтирилсин ва кенгайтирилсин.

Фан-техника тараққиётининг талабларига мувофиқ олий ва ўрта махсус таълимни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш ва уларни ғоявий-сиёсий тарбиялашни яхшилаш давом эттирилсин. Беш йил ичида олий ва ўрта маълумотли 9 миллион нафарга яқин мутахассис тайёрлансин, фан ва техниканинг янги соҳалари бўйича ишлаб чиқаришнинг тез ривожланиб бораётган тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

Мактабларнинг ва айниқса қишлоқ жойларидаги мактабларнинг, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқув-моддий базаси мустаҳкамлансин ва улар замонавий ускуналар билан ҳамда ўқитишнинг техникавий воситалари билан таъминлансин.

Олий мактабда илмий тадқиқотлар олиб бориш ривожлантирилсин. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг ишлаб чиқариш билан боғланиши бутун чоралар билан мустаҳкамлансин.

Ёшларнинг ишга кирмасдан олдин ихтисос олишини қоида қилиб олиб, ҳунар-техника ўқув юртларида ва айниқса қишлоқ жойларида малакали ишчилар тайёрлаш кўпайтирилсин. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун беш йил ичида ҳунар-техника ўқув юртларида камида 7,5 миллион нафар малакали ишчи тайёрлансин. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, енгил саноат, озиқ-овқат саноати, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари учун кадрлар тайёрлаш тағин ҳам тезроқ суръатлар билан амалга оширилсин. Энг мураккаб касблар бўйича малакали ишчилар тайёрлаётган ва айни вақтда ўрта маълумот ҳам бераётган ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилиш 1975 йилда 300—400 минг кишига етказилсин. Ишлаб чиқаришнинг ўзида ишчилар тайёрлаш сифати яхшилансин ва уларнинг малакаси оширилсин.

Халқнинг маънавий эҳтиёжларини тағин ҳам тўлароқ қондириш мақсадларида матбуот, телевидение, радио ва адабиёт ва санъат янада ривожлантирилсин, маданият муассасаларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамлансин. Радиоэшиттиришларнинг ва телевизион кўрсатишларнинг сифати яхшилансин.

Китоблар чиқаришни, газеталар ва журналларнинг тиражини янада кўпайтириш кўзда тутилсин, уларнинг безатилишини ва тематикасини янада яхшилаш таъминлансин, кинотеатрлар ва кино установкалар тармоғи кўпайтирилсин. Энг янги ускуналарни, янги материалларни, қоғозларни, кино пленкаларни полиграфия саноатига ва кино саноатига жорий қилиш таъминлансин.

Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш системасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилсин, район марказларида маданият уйларини ва барча йирик аҳоли пунктларида маданий оқартув муассасаларини вужудга келтириш асосан тугаллансин.

Маданий оқартув муассасаларини ва санъат муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш яхшилансин, аҳолининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва дам олишини ташкил этишда уларнинг роли оширилсин.

VIII. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва иттифоқдош республикалар хўжалигини ривожлантириш

Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришни янада яхшилаш таъминлансин, территориал иқтисодий алоқалар такомиллаштирилсин. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш масалаларини ҳал қилишда иттифоқдош республикаларнинг ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг роли оширилсин.

Йирик шаҳарларнинг ўсишини тўхтатиб туриш йўли оғишмай амалга оширилаверсин; шундай шаҳарларда аҳолига ва шаҳар хўжалигига хизмат кўрсатиш билан алоқадор бўлган объектлардан ташқари янги саноат корхоналарини жойлаштиришни тўхтатиш қоида қилиб олинсин.

Мамлакатнинг шарқ районларида табиий ресурсларни жадал ўзлаштиришни ва уларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтиришни янада давом эттириш ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва халқ хўжалигидаги территориал пропорцияларни яхшилаш соҳасидаги энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин. Сибирь, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда анчагина арзон энергетика ресурслари мавжудлигини назарда тутиб, энергияни кўп талаб қиладиган янги саноат корхоналари асосан шу районларда жойлаштирилсин.

Тармоқлар бўйича планлаштириш билан территориал планлаштиришни рационал равишда қўшиб олиб бориш таъминлансин.

Иттифоқдош республикалар ва мамлакатнинг иқтисодий районлари хўжаликларини янада ривожлантириш қуйидаги асосий йўналишлар асосида олиб борилсин:

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасида машинасозлик, газ, нефть ва химия саноатларини жадал суръатлар билан ўстирган ҳолда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 44—47 процент кўпайтирилсин.

1975 йилда электр энергия ҳосил қилиш, тахминан 660 миллиард киловатт-соатга, нефть қазиб чиқариш 400 миллион тоннага, газ қазиб олиш 136 миллиард куб метрга, кўмир қазиб чиқариш 370 миллион тоннага, қора металларнинг тайёр прокатини ишлаб чиқариш 59 миллион тоннага, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 43 миллион тоннага, целлюлоза ишлаб чиқариш 7,8 миллион тоннага, цемент ишлаб чиқариш 78 миллион тоннага, газлама ишлаб чиқариш 7,5—7,9 миллиард квадрат метрга, чарм-пойафзал ишлаб чиқариш 406—420 миллион жуфтга, гўшт етиштириш 5,2 миллион тоннага, қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти етиштириш 15,4 миллион тоннага, мебель ишлаб чиқариш 2,6 миллиард сўмга етказилсин.

Доннинг ҳар йилги ўртача ялпи ҳосили 116 миллион тоннага етказилсин. Суғориладиган ерларда товар ғалла етиштириб берадиган йирик районлар вужудга келтирилсин, шоли экиш анча кенгайтирилсин. Қанд лавлаги, узун толали зиғир поя, кунгабоқар пистасини етиштириш кўпайтирилсин, 1,2 миллион гектар суғориладиган ер ишга туширилсин, 1,8 миллион гектар ботқоқ ва зах ерларнинг нами кетказилсин. Захи кетказилишини талаб қилмайдиган 7 миллион гектар майдондаги ерларни экинзорларга айлантириш ишлари олиб борилсин.

Чорвачиликни янада ривожлантириш таъминлансин, чорва ва паррандаларнинг барча турлари сони кўпайтирилсин, уларнинг маҳсулдорлиги оширилсин. Гўшт олишга мўлжалланган чорвачилик ва қўйчилик тез суръатлар билан ривожлантирилсин. Ҳар йили етиштириладиган гўштнинг ўртача миқдори сўйилган вазнда ҳисоблаганда 7,3 миллион тоннага, сут 51 миллион тоннага, тухум 27 миллиард донага, жун 228 минг тоннага етказилсин. Чорвачилиқ учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратиб бериш тадбирлари амалга оширилсин. 2,4 миллион гектар яйлов ерлар сув билан таъминлансин, камида 6,3 миллион гектар ер сермаҳсул ўтлоқларга ва яйловларга айлантирилсин. Дуккакли дон ва ем бўладиган дон экинларининг, кўп йиллик ва бир йиллик ўтларнинг, силосбоп экинларнинг ҳосилдорлиги анча оширилсин ва уларни етиштириш анча кўпайтирилсин.

РСФСРнинг Европа қисмида — Европа Шимоли районларида нефть ва табиий газ чиқадиган янги жойларни қидириб топиш ва ўзлаштириш кучайтирилсин. Шимолий-Онега боксит рудниги ва Вологда подшипниклар заводини қуриш тезлаштирилсин. Ленинград ва Кольск атом электр станцияларидаги ва Кириш ГРЭСидаги қувватлар ишга туширилсин. Архангельск областида нефтни қайта ишлаш заводини қуришга ва Печора ГРЭСини қуришга киришилсин.

(Давоми 5-бетда.)

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(Боши 1, 2, 3, 4-бетларда)

Москва ва Ленинград саноатини ва шаҳар хўжалигини комплекс ривожлантириш ҳамда шу шаҳарлардаги корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш тадбирлари амалга оширилсин, меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқаришни кўпайтириш таъминлансин. Кострома, Кашира ва Рязань ГРЭСларидаги ва Мосэнерготеплоэлектроцентралларидаги қувватлар ишга туширилсин. Смоленск атом электр станциясини қуриш ишлари бошлаб юборилсин. Тула областида мураккаб ўғитлар ишлаб чиқарадиган завод қурилсин. Марказий районнинг ғарбий қисмида нефтни қайта ишлаб берадиган завод қуриш бошлаб юборилсин. Сухиничи ва Сасово шаҳарларида автоматик линиялар ишлаб чиқариш бўйича станоксозлик заводлари қурилсин.

Курск магнит аномалиясининг минерал ресурслари негизида умумиттифоқ аҳамиятига эга янги саноат комплексини вужудга келтиришга киришилсин: шу районда темир руда қазиб чиқариш тахминан 40 миллион тоннага етказилсин. Нововоронежск ва Курск атом электр станцияларидаги қувватлар ишга туширилсин.

Волга автомобиль заводи ва у билан боғлиқ бўлган корхоналар қуриб битказилсин, уларнинг қувватларини жадал ўзлаштириш таъминлансин. Чувашистон АССРда қудратли тракторлар ишлаб чиқарадиган заводнинг биринчи навбати ишга туширилсин. Татаристон АССРда юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган заводлар комплекси ва унга туташган районларда шу заводларга хизмат қиладиган заводлар барпо этилсин. Нижнекамскда нефть химияси корхоналари комплексини қуриш тезлаштирилсин. Тольяттида, Волжскда, Қозон, Уфа, Новочебоксарскда химия корхоналарини қуриш поёнига етказилсин.

Волга, Кама дарёларининг ва Шимолий Кавказдаги дарёларнинг гидроэнергетика ресурсларини комплекс тарзда ўзлаштириш ишлари давом эттирилсин. Нижнекаменск ва Чебоксари гидроэлектрстанцияларини қуриш давом эттирилсин. Волга бўйидаги районларда суғориладиган ерлар майдони 500—600 минг гектар миқдорда, Шимолий Кавказда 350—400 минг гектар миқдорда кенгайтирилсин. Катта Ставрополь канали ва Дон дарёсида Николаевск гидро узели барпо қилинсин; Дон магистрал каналини кенгайтиришга киришилсин. Сабзавотчиликни, полизчиликни ва шоликорликни ривожлантирмоқ учун Волга-Аҳтуба қайр ерларини ўзлаштириш тезлаштирилсин.

Уралда ишлаб турган саноат корхоналарини реконструкция қилиш давом эттирилсин, шунингдек янги саноат корхоналари қуриш, аввало, Кизел кўмир ҳавзасида ва кўмир қазиб чиқарилаётган бошқа ҳавзаларда янги корхоналар қуриш таъминласин. Электр энергетика базаси мустаҳкамлансин. Пермь нефтни қайта ишлаш заводидаги химия комплекси, шунингдек, Иркли ва Рефтин ГРЭСларида янги қувватлар ишга туширилсин. Учинчи Березники ва Соликамск калий комбинатларини қуриш жадаллаштирилсин. Нефть, целлюлоза-қоғоз саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати янада ривожлантирилсин. Энг муҳим шаҳарларнинг сув таъминоти яхшилансин. Оренбург областида газ қазиб олинадиган ва қайта ишлаб берадиган янги катта район вужудга келтирилсин, нефть чиқадиган янги жойларни қидириб топиш ва ишлатиш тезлаштирилсин.

Сибирда энергияни кўп талаб қиладиган қора ва рангли металлургия ишлаб чиқаришларини, химия, ўрмончилик, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз, ёқилғи саноати ва электр энергетикани тез суръатлар билан ўстириш, қурилиш индустриясини ва қурилиш материаллари саноатини илдам суръатлар билан ривожлантириш, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, аввало, дон хўжалигини ва чорвачиликни янада ривожлантириш таъминлансин.

Ғарбий Сибирда нефть саноатининг мамлакатдаги энг катта базаси вужудга келтирилсин, нефть қазиб чиқариш 1975 йилда камида 120—125 миллион тоннага етказилсин. Йилига 5-6 миллиард куб метр газни қайта ишлаб берадиган газни қайта ишлаш заводлари қурилсин. Тюмень областининг шимолидаги катта газ конларини ишга тушириш тезлаштирилсин. Тобольск ва Томск районларида йирик нефть химия комплекслари қуришга киришилсин; Сургут ГРЭСидаги қувватлар ишга туширилсин. Тюмень—Тобольск—Сургут темир йўли қуриб битказилсин. Тобольск, Сургут дарё портлари қуриб битказилсин ва Нижне-Вартовск дарё портини қуришга киришилсин. Автомобиль йўллари, аэродромлар ва алоқа йўллари тармоғи кенгайтирилсин. Уралга ва СССРнинг Европа қисмига газ юбориб туриладиган газ қувурлари қуриш, Сибирь, Қозоғистондаги ва СССРнинг Европа қисмидаги нефтни қайта ишлаш заводларига нефть юбориб турадиган нефть қувурлари қуриш таъминлансин.

Кузбассда қазиб олинаётган кўмирнинг умумий миқдори 135 миллион тоннага етказилсин. Ерунаковскдаги коксланадиган кўмир конларини ўзлаштиришга киришилсин. Распадская 1-2 рақамли шахта, Бирюлинская 2 рақамли шахта, Ново-Колбинский разрези қуриб битказилсин ва Кедровский разрезини реконструкция қилиш тугаллансин. Ғарбий Сибирь металлургия заводини қуриш давом эттирилсин. Олтой ўлкасида кокс-химия заводини қуришга киришилсин, унинг биринчи навбати ишга туширилсин, синтетик тола заводини ва бир қанча машинасозлик заводларини қуришга киришилсин.

Ачинск нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари жадаллик билан олиб борилсин, Красноярск алюминий заводи қуриб битказилсин, Норильск кон-металлургия комбинатида мис ва никел ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин, Канск—Ачинск конларида кўмир қазиб чиқариш ва бу кўмирдан фойдаланиш кенгайтирилсин. Саян ГЭСи составида Саян территориал-ишлаб чиқариш комплексини, алюминий ва вагонсозлик заводларини, пўлат қуюми ишлаб чиқарадиган катта заводни, рангли металларни қайта ишлаш корхоналарини, электр техника саноати, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати корхоналарини барпо қилишга киришилсин. Заминск электр химия комбинатини қуриш тезлаштирилсин.

Братск территориал-ишлаб чиқариш комплексини янада ривожлантириш таъминлансин. Братск алюминий заводи ва Братск ўрмончилик саноати комплекси қуриб битказилсин, Усть-Илим ГЭСининг биринчи агрегатлари ишга туширилсин. Усть-Илим ўрмончилик саноати комплексини қуриш авж олдириб юборилсин. Чита областида Жирекинский консаралаш молибден комбинати қурилсин.

Сибирь районларида ёғоч тайёрлаш ва ёғочни комплекс қайта ишлаш кўпайтирилсин, шу районларда тахта тиладиган — ёғочни қайта ишлайдиган, целлюлоза-қоғоз ва микробиология саноатининг янги йирик корхоналари кўпайтирилсин.

Узоқ Шарқнинг ишлаб чиқарувчи кучларини жадаллик билан ривожлантириш ишлари давом эттирилсин. Кўмир, қалай, вольфрам, симоб, олтин, олмос қазиб чиқариш кўпайтирилсин, Комсомольск нефтни қайта ишлаш заводини кенгайтириш ишлари тугаллансин ва нефтни қайта ишлаб берадиган янги завод қуриш бошлаб юборилсин. Зейск ГЭСининг ва Приморье ГРЭСининг биринчи агрегатлари ишга туширилсин. Колима ГЭСини қуришга киришилсин. Тахта, целлюлоза, картон, мебель, озиқ-овқат ва балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Балиқчилик саноатининг моддий-техника базаси мустаҳкамлансин, кема ремонт қиладиган заводларнинг қувватлари кўпайтирилсин, денгиз портлари ва причаллари реконструкция қилинсин ва кенгайтирилсин.

Соя, шоли, буғучилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилсин. Суғориладиган 31 минг гектар ер ишга туширилсин, 360 минг гектар захи ерларнинг нами кетказилсин, 200 минг гектар майдондаги ерларнинг ҳолатини яхшилаб, экинзорларга айлантириш ишлари олиб борилсин.

Узоқ Шарқ ва Шарқий Сибирь районларига аҳолининг кўчиб келишини кўпайтириш ва шу районларда кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши учун шароит вужудга келтирилсин, уй-жой, маиший бинолар қуриш ва социал-маданий қурилиш илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

Украина ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳажми 38—41 процент кўпайтирилсин, шу билан бирга электр энергетика, химия, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноатлари ҳамда машинасозлик илдам суръатлар билан ривожлантирилсин.

1975 йилда электр энергия ишлаб чиқариш тахминан 200 миллиард киловатт-соатгача етказилсин. Славянск, Триполи, Ладижинск, Кураховка ГРЭСлари ва иккинчи Кривой-Рог ГРЭСи қуриб битказилсин, Запорожье ва Углегорск ГРЭСларининг Чернобиль атом электр станциясининг ва Киевдаги бешинчи ТЭЦнинг қувватлари ишга туширилсин. Канаевск ГЭСи ва Днепровск ГЭСининг иккинчи навбати кемалар ўтказадиган шлюз билан биргаликда қуриб битказилсин. Иссиқлик ва атом электр станциялари қуриш авж олдирилсин. 750 минг вольт кучланишли Донбасс—Ғарбий Украина электр линияси қурилсин.

Кўмир қазиб чиқариш кўпайтирилиб, тахминан 215 миллион тоннага етказилсин. Донецк ҳавзасида ишлаб турган шахталарни реконструкция қилиш асосан битказилсин ва янги шахталар қуриш, шу жумладан антрацит ва коксланадиган кўмир қазиб чиқарадиган катта корхоналарни қуриш тезлаштирилсин. Нефть ва газ чиқадиган янги конларни қидириб топиш ва ишга тушириш тезлаштирилсин.

1975 йилда қора металлар тайёр прокатини ишлаб чиқариш 37—38 миллион тоннага ва пўлат трубалар ишлаб чиқариш 6,6 миллион тоннага етказилсин. «Азовсталь» заводида қалин тунука тайёрлаб берадиган «3.600» стани ва кислород-конвертор цехи, Харцизск труба заводида қувурларни электр пайвандлаш цехи ва Нижне-Днепровскдаги прокат заводида ғилдирак прокат цехи ишга туширилсин. Побуж никель заводи қуриб битказилсин.

Нефтни қайта ишлаш ҳажми 2,5—2,6 баравар кўпайтирилсин. Кременчуг нефтни қайта ишлаш заводида қўшимча қувватлар ишга туширилсин, Лисичанск нефтни қайта ишлаш заводи қурилиб, ишга туширилсин ва нефтни қайта ишлаб берадиган иккита завод қуришга киришилсин. Белоцерковск шина комбинати ишга туширилсин.

1975 йилда минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 16,6 миллион тоннага ва химиявий толалар ишлаб чиқариш 162 минг тоннага етказилсин.

Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилсин, Т—150 тракторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар комплекси қуриб битказилсин. Кадиевка, Крюковск ва Днепродзержинск вагонсозлик заводларида вагонлар ишлаб чиқарадиган қувватлар кўпайтирилсин. Житомирда автомат станоклар ишлаб чиқарадиган завод қурилсин.

Цемент ишлаб чиқариш 1975 йилда тахминан 22 миллион тоннага етказилсин. Каменец-Подольск ва Балаклейск цемент заводлари қуриб битказилсин.

1975 йилда газламалар ишлаб чиқариш 840—925 миллион квадрат метрга, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 339 миллион донага, чарм пойафзал ишлаб чиқариш 166—172 миллион жуфтга, лавлаги шакари ишлаб чиқариш 6,4 миллион тоннага, гўшт етиштириш 1,9 миллион тоннага, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,4 миллион тоннага, мебель ишлаб чиқариш 860 миллион сўмга етказилсин.

Тернополь ва Донецк ип газлама комбинатлари ва Черкасск шойи комбинати қуриб битказилсин. Кривой-Рогда камволь-сукно комбинати қуриш бошлансин. Ёғочни қайта ишлаш, ип газлама, жун газлама, трикотаж корхоналари ва енгил саноатнинг бошқа корхоналари, иккита қанд заводи ва мой-экстракция заводи қурилсин.

Республиканинг ғарбий областларида саноат ишлаб чиқаришни тезроқ суръатлар билан ўстириш таъминлансин, енгил саноат ва озиқ-овқат корхоналари ва машинасозликнинг сермеҳнат тармоқлари кўпроқ ривожлантирилсин.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида дон ва техника экинлари ҳосилини етиштириш кўпайтирилсин, чорвачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш таъминлансин. Доннинг ҳар йилги ўртача ялпи ҳосили 40 миллион тоннага етказилсин, кузги буғдой, маккажўхори, шоли, гречиха, дуккакли дон ва ем бўладиган дон етиштиришга алоҳида эътибор берилсин. Қанд лавлаги, кунгабоқар пистаси, тамаки, канопля, узун толали зиғирпоя, картошка, сабзавот, айниқса, унинг эрта пишар навларини, мевалар, узум ва полиз маҳсулотларини етиштириш кўпайтирилсин.

Ем-хашак етиштиришни анча кўпайтириш, чорва ва парранданинг ҳамма турларини янада кўпайтириш, уларнинг маҳсулдорлигини анча ошириш таъминлансин. Ҳар йил етиштирилаётган гўштнинг ўртача миқдори сўйилган вазнда тахминан 3,2 миллион тоннага, сут 20,3 миллион тоннага, тухум 10,4 миллиард донага, жун 27 минг тоннага етказилсин.

Сув хўжалигини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилсин. 400 минг гектар чамаси суғориладиган ерлар ва 600 минг гектар захи кетказилган ерлар фойдаланишга топширилсин. Шимолий Қрим каналини қуриш давом эттирилсин, Шимолий-Рогачинский суғориш системасининг биринчи навбати қуриб битказилсин ва Каховка суғориш системасини қуриш жадаллаштирилсин. 700 минг гектар майдонда ерларнинг ҳолатини яхшилаб, экинзорларга айлантириш ишлари ўтказилсин. Катта саноат марказларини сув билан таъминлаш яхшилансин. Днепр-Донбасс каналининг биринчи навбатини қуриш давом эттирилсин, Северский Донец-Донбасс канали кўпроқ сув ўтказадиган қилиб кенгайтирилсин, Днепр—Кривой-Рог канали реконструкция қилинсин.

Белоруссия ССРда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 50—53 процент кўпайтирилсин. Машинасозликнинг металлни кўп талаб қиладиган тармоқлари — радио техника, электр техника, электрон, асбобсозлик тармоқлари, шунингдек химия ва нефть химияси саноати жадал суръатлар билан ривожлантирилсин.

Электр энергия ҳосил қилиш 1,7 баравар, нефть қазиб чиқариш 2,4 баравар, нефтни бирламчи қайта ишлаш ҳамда торф брикетлари ва ярим брикетлар ишлаб чиқариш 1,9 баравар, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,7 баравар, химиявий толалар ишлаб чиқариш 2,6 баравар, газламалар ишлаб чиқариш 1,7 баравар, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 1,5 баравар, пойафзал ишлаб чиқариш 1,7 баравар, гўшт етиштириш ва қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилсин.

Оршадаги зиғир поя толасидан нафис газламалар ишлаб чиқарадиган комбинат учинчи навбатининг объектлари қуриб битказилсин, Белоруссия шина комбинати, Лукомлск ГРЭСининг, Могилев синтетик тола комбинатининг ва Полоцк химия комбинатининг янги қувватлари ишга туширилсин. Мозир нефтни қайта ишлаш заводи, Барановичидаги автомат линиялар заводи, Лунинецк электр двигателлар заводи, тракторга ўрнатилиб, ўғитларни сочиб берадиган машиналар ишлаб чиқарувчи Бобруйск заводи, Оршадаги автомат линиялар учун нормаллаштирилган асбоб ишлаб чиқарувчи завод, Пинскдаги автомат линиялар учун узеллар ишлаб чиқарадиган завод, Витебск областида доломит уни тайёрлаб берадиган завод, Могилев шойи комбинати ва Гроднодаги калава ип комбинати қуриб ишга туширилсин. Азотли ўғитлар заводини, тўртинчи Солигорск калий комбинатини, Слонимда камволь йигирув фабрикасини, Гомель областида ихтисослаштирилган учта ип газлама корхонасини ва Осиповичида зиғир поясидан газлама ишлаб чиқарадиган комбинатни қуриш ишлари бошлансин. Зиғир пояни комплекс равишда қайта ишлаб берадиган заводлар қурилсин.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини сут ва гўшт чорвачилигига, чўчқачиликка, паррандачиликка, картошка етиштиришга ва зиғиркорликка ихтисослаштириш янада чуқурлаштирилсин. Ҳар йили ишлаб чиқарилаётган доннинг ялпи ҳосили 5,2 миллион тоннага, етиштирилаётган гўштнинг сўйилган вазндаги ўртача миқдори 840 минг тоннага, ҳар йили етиштирилаётган сутнинг ўртача миқдори 6,1 миллион тоннага, тухум 1,8 миллиард донага етказилсин. Тупроқнинг унумдорлигини ошириш ва тупроқларга оҳак аралаштириш ишлари кенг миқёсда олиб борилсин, 1100 минг гектар зах ва ботқоқ ерларнинг нами кетказилсин, 800 минг гектар майдондаги ерларнинг ҳолатини яхшилаб, уларни экинзорларга айлантириш ишлари олиб борилсин. 900 минг гектар майдонда сермаҳсул ўтлоқ ва яйловлар вужудга келтирилсин, мелиорация қилинган ерлардан фойдаланиш яхшилансин.

Вилейск-Минск сув системаси қуриб битказилсин ва фойдаланишга топширилсин.

Ўзбекистон ССРда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳажми 46—49 процент кўпайтирилсин. Электр энергетикани, рангли металлургияни, химия, газ саноатларини ва енгил саноатни анча ривожлантириш таъминлансин.

Ирригация ускуналари, пахтачилик учун пахта териш машиналари ва бошқа машиналар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин. Химиявий толалар ишлаб чиқарадиган катта корхона ташкил этилсин. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш 1,6 баравар, шойи газламалар ишлаб чиқариш 2,2—2,6 баравар, ички трикотаж ишлаб чиқариш 1,8 баравар, чарм пойафзал ишлаб чиқариш 1,5—1,7 баравар, мева-сабзавот консервалар ишлаб чиқариш 1,6 баравар, маданий-маиший ва рўзғор моллари ишлаб чиқариш 2 баравардан зиёдроқ, шу жумладан, рўзғор холодильниклари ишлаб чиқариш 4,2 баравар кўпайтирилсин.

Олтин қазиб чиқарувчи саноатни янада ривожлантириш таъминлансин, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида рух ва мис ишлаб чиқарадиган қувватлар кўпайтирилсин.

Сирдарё ГРЭСида биринчи агрегатлар ишга туширилсин, Олмалиқ аммофос заводининг иккинчи навбати, Самарқанд суперфосфат заводида аммофос ишлаб чиқарадиган қувватлар, Навоийда цемент заводи ишга туширилсин. Ангренда резина комбинати қуриш ва Бекобод металлургия заводини реконструкция қилиш ишлари авж олдириб юборилсин. Бухоро ип газлама комбинати ва Хива гилам комбинати, Фарғонадаги сунъий тери комбинати, Қўқон кўн заводи, чинни заводи, бир қанча пахта тозалаш заводлари, пиллакашлик, трикотаж, тикувчилик ва пойафзал фабрикалари ишга туширилсин.

Андижон ип газлама комбинатини қуриш бошлаб юборилсин. Урганч мой-экстракция заводи ва озиқ-овқат заводининг бошқа бир қанча корхоналари қурилсин.

Пахтачиликни янада юксалтириб, етиштириладиган пахтани 1975 йилда 4,9 миллион тоннага етказиш таъминлансин; ингичка толали навлардан бўлган пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга, пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштиришга, пахта ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилсин. Шоликорлик, мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотлари ва тамаки етиштириш ривожлантирилсин.

465 минг гектар майдонда суғориладиган янги ерлар фойдаланишга топширилсин. Қарши даштида пахтачиликнинг янги катта районини ривожлантириш, Мирзачўлда, Сурхон-Шеробод водийсида ва Қорақалпоғистон АССРда суғориладиган майдонларни кўпайтириш ишлари давом эттирилсин. Андижон сув омборини ва Туямўйин гидро узелини қуриш жадаллаштирилсин. Камида 600 минг гектар майдондаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилансин, суғориладиган ерларнинг шўр ва зах босишини тугатиш ҳамда кам сув ирригация системаларида сувни кўпайтириш ишлари давом эттирилсин.

Қўйчиликни, айниқса, қоракўлчиликни янада ривожлантириш таъминлансин, ҳар йил етиштирилаётган жуннинг ўртача миқдори 24 минг тоннага етказилсин. Гўшт, сут, тухум етиштириш кўпайтирилсин. 1.5 миллион гектар яйлов сув билан таъминлансин, 3,5 миллион гектар майдондаги илгари сув билан таъминланган яйловларда гидротехника иншоотлари реконструкция қилинсин.

Қозоғистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 57—60 процент кўпайтирилиб, электроэнергетика, рангли ва қора металлургия, ёқилғи, химия, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноатининг янада ривожланиши таъминлансин.

Тоза мис ишлаб чиқариш 1,7 баравар, минерал ўғит 2,4 баравар, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 2,5 баравар кўпайтирилсин. 1975 йилда кўмир қазиб чиқариш тахминан 94 миллион тоннага, нефть қазиб чиқариш 30 миллион тоннага, тайёр прокат ишлаб чиқариш 5 миллион тоннага, цемент 7,3 миллион тоннага, гўшт 673 минг тоннага, ип газлама 98—108 миллион квадрат метрга, жун газлама 40 миллион квадрат метрга, чарм пойафзал 34—39 миллион жуфтга, трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш 98 миллион донага етказилсин.

Экибастуз кўмир разрезларининг қуввати беш йиллик охиригача 56 миллион тоннагача кўпайтирилсин. Қарағандада коксланувчи кўмирни саралаш фабрикаси, Шимолий ва Жанубий Қозоғистондаги нефтни қайта ишлаш заводларининг дастлабки навбатлари ҳамда Манғишлоқдаги газни қайта ишлаш заводи қурилсин. Қапчиғай ГЭСи ва Ермаков ГРЭСи қуриб битказилсин.

Мис ва қўрғошин-рух саноатининг руда базасини ривожлантириш жадаллаштирилсин. Жезқазғон кон металлургия комбинати янада кенгайтирилсин ва Павлодар алюминий заводида гилмоя ишлаб чиқариш қувватлари ривожлантирилсин. Қарағанда металлургия комбинатининг қурилиши асосан тугаллансин, кон бойитиш комбинатларининг қурилиши тезлаштирилсин.

Қоратов ҳавзасида фосфоритлар қазиб чиқариш қувватлари анча оширилсин, Чимкент фосфор заводи ҳамда Жамбулдаги қўшсуперфосфат заводининг қурилиши тугаллансин, Жанубий Қозоғистондаги иккита янги фосфор заводидаги қувватлар ишга туширилсин. Павлодар химия комбинати ва Қарағанда резина техника буюмлари заводининг биринчи навбат қурилиши тугаллансин. Чимкент резина-асбест комбинати қурилишига киришилсин. Павлодарда трактор заводи, Целиноградда «Казахсельмаш» заводи ҳамда Толдиқўрғонда аккумулятор заводи қурилиши тугаллансин. Новокарагандинск цемент заводида цемент ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилсин.

Сортли шиша идиш заводининг биринчи навбати, камволь—ип йигириш фабрикаси ва енгил саноатнинг бошқа бир қанча корхоналари қурилсин, ойна заводи ҳамда иккита чинни заводининг қурилиши бошлансин. Гўштни қайта ишлаш корхоналари, кондитер саноати корхоналари ҳамда озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқларига қарашли корхоналарнинг қувватларини анча ошириш таъминлансин.

Ғалладан барқарор ҳосил етиштиришни таъминлаш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин. Тупроқни шамол эрозисидан сақлаш ва иҳота ўрмончилиги соҳасидаги комплекс-тадбирлар амалга оширилсин. Экин майдонларининг структураси яхшилансин. Ўртача йиллик ялпи дон ҳосили 24 миллион тоннага етказилсин. Группали водопроводлар қурилиши соҳасидаги ишлар давом эттирилсин. Республиканинг жанубида лавлагикорлик, сабзавотчилик, полиз экинлари етиштириш, боғдорчилик ва узумчиликнинг ривожлантирилиши таъминлансин. Таҳминан 420 минг гектар суғориладиган ер, шу жумладан, 200 минг гектар шартли суғориладиган ер ишга туширилсин. Қизилкум суғориш системасининг қурилиши тугаллансин, шоли етиштиришни кўпайтириш мақсадида Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ирригация ишлари давом эттирилсин.

Гўштбоп чорвачилик ва қўйчилик жадал суръатлар билан ривожлантирилсин, чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамлансин. Ҳар йили ўрта ҳисобда тахминан 1 миллион тонна гўшт, 4,2 миллион тонна сут, 2,1 миллиард дона тухум, 110 минг тонна жун етиштириш таъминлансин. Тахминан 3,8 миллион гектар майдонда унумдор ўтлоқлар ва яйловлар барпо этилсин. Камида 32 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин ҳамда илгари сув чиқарилган 23 миллион гектар майдондаги яйловларда гидротехника иншоотлари реконструкция қилинсин.

Макат—Александров Гай темир йўл қурилиши бошлансин. Омск—Павлодар—Чимкент нефть қувури қурилсин.

Грузия ССРда машинасозликнинг кам металл ишлатиладиган соҳаларини ва химия саноатини юксакроқ суръатлар билан ривожлантирган ҳолда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 39—42 процент кўпайтирилсин.

Электр энергияси ҳосил қилиш 1,7 баравар, минерал ўғит ишлаб чиқариш 2,3 баравар, химиявий тола 1,6 баравар, приборлар ва автоматлаштириш воситалари 3,4 баравар, қишлоқ хўжалик машиналари 2,1 баравар, шифер 2 баравар, жун газлама 1,5 баравар, мева — сабзавот консерва 1,4 баравар ва мебель ишлаб чиқариш 2 баравар кўпайтирилсин.

Ингури ГЭСидаги қувватлар ва Варцих ГЭСи каскадидаги дастлабки электр станция ишга туширилсин, Жинваль гидротехника комплекси қурилишига киришилсин. Маднеуль мис бойитиш комбинатининг қурилиши тугаллансин. Чинни заводи қурилсин, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналарининг қуввати оширилсин.

1975 йилда чой етиштириш 272 минг тоннага етказилсин, шунингдек, узум, тамаки ва цитрус мевалари етиштириш кўпайтирилсин. 70 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин. 50 минг гектар зах ернинг асосан кўп йиллик субтропик экинлар етиштириш учун захи қочирилсин. Гўшт, сут, тухум етиштириш кўпайтирилсин; чорвачиликнинг ем-хашак базаси мустаҳкамлансин.

Озарбайжон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 43—46 процент кўпайтирилсин. Машинасозлик, химия ва озиқ-овқат саноати ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш жадал суръатлар билан ривожлантирилсин. Нефть саноати соҳасида денгиздаги нефть конларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

Минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,6 баравар, синтетик каучук 1,6 баравар, приборлар ва автоматлаштириш воситалари 2 баравар, жун газлама 1,5 баравар, шойи газлама 1,4—1,6 баравар, чарм пойафзал ва трикотаж буюмлар 1,6 баравар, мева-сабзавот консерва 1,7 баравар, вино 2,3 баравар, холодильник 4 баравар ва мебель ишлаб чиқариш 2 баравар кўпайтирилсин. Чинни идиш ҳамда маданий-маиший ва рўзғор товарлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Нахичеван АССРда кальцийлаштирилган сода заводи ҳамда Шамхор ГЭСи қурилишига киришилсин. Приборсозлик ва электрон саноати заводлари қурилсин.

1975 йилда пахта етиштириш 380 минг тоннага етказилсин. Узум, сабзавот, мева, тамаки, чой етиштириш кўпайтирилсин. 40 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин. Кура-Аракси пасттекислигидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилансин, бунинг учун 200 минг гектар майдондаги ернинг шўрини ювиш, 200 минг гектар майдондаги суғориш системаларини қайта қуриш ва уларнинг сув билан таъминланишини яхшилаш соҳасидаги ишлар амалга оширилсин. 400 минг гектар майдондаги яйлов сув билан таъминлансин. Чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, гўшт, сут, тухум ва жун етиштиришни кўпайтириш таъминлансин.

Литва ССРда машинасозликнинг кам металл ишлатиладиган тармоқларини, енгил ва озиқ-овқат саноатини анча ривожлантирган ҳолда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 46—49 процент кўпайтирилсин.

Электр энергияси ҳосил қилиш 1,5 баравар, минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,7 баравар, газлама 1,8 баравар, холодильник 3,5 баравар ва мебель ишлаб чиқариш 1,7 баравар кўпайтирилсин.

Нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати, Литва ГРЭСидаги янги қувватлар, Каунасдаги ТЭЦнинг дастлабки агрегатлари фойдаланишга топширилсин. Игналидаги дренаж қувурлар заводи, Утенда гўшт комбинати, йирик сут-консерва заводи қурилсин. Акмян цемент заводининг ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишловчи корхоналарнинг қувватлари оширилсин.

Қишлоқ хўжалигини сут-гўштбоп чорвачилик ва беконбоп чўчқачилик бўйича ихтисослаштиришни давом эттириш таъминлансин. 750 минг гектар майдондаги ботқоқ ва зах ерларнинг захи қочирилсин ҳамда 400 минг гектар майдонда экин етиштириш мақсадида техника ишлари ўтказилсин. 300 минг гектар майдонда сермахсул ўтлоқ ва яйлов барпо этилсин.

Вильнюс темир йўл узели электрлаштирилсин.

Молдавия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 56—59 процент кўпайтирилсин. Электр энергетика, приборсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати юксак суръатлар билан ривожлантирилсин.

Боғлар ва токзорларни ишлаш учун трактор ишлаб чиқариш 1,9 баравар, рўзғор холодильниклари 1,8 баравар, шойи газлама 1,6 баравар, трикотаж буюмлар 1,5 баравар, мева-сабзавот консерваси 1,6 баравар ва вино ишлаб чиқариш 2,6 баравар кўпайтирилсин. Молдавия ГРЭСида қўшимча қувватлар ишга туширилсин, учта консерва заводи қурилсин. Кишиневдаги сунъий чарм ва резина-техника буюмлари комбинати, рўзғор ашёлари ишлаб чиқарадиган химия заводи, электротехника ва машинасозликнинг бошқа тармоқларига оид бир қанча корхоналари кенгайтирилсин ва реконструкция қилинсин. Мева омборлари учун комплект холодильник установкалари ишлаб чиқарадиган завод, кир ювиш асбоб-ускуналари заводи, қанд заводи қурилсин. Тўқимачилик комбинатини ҳамда озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган заводни қуришга киришилсин.

Мева, сабзавот ва айниқса уларнинг эртапишар навларини, тамаки, эфир-мойли экинлар, шунингдек чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш кўзда тутилсин. Қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки қайта ишлаш ва сақлаш бўйича корхоналар қурилиши жадаллаштирилсин. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилансин. 50 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин.

Латвия ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 35—38 процент оширилсин. Электротехника, радиотехника, электрон, медицина, енгил, гўшт-сут ва балиқ саноатининг янада ривожланиши таъминлансин.

Приборлар ишлаб чиқариш 1,6 баравар, устки трикотаж 1,9 баравар, сут консерваси 1,6 баравар ва мебель ишлаб чиқариш 1,5 баравар кўпайтирилсин. Тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни марказлаштирган ҳолда ишлаб чиқариш кенгайтирилсин.

Рига ГЭСи қурилиши тугаллансин, Ригадаги 2-ТЭЦнинг дастлабки агрегатлари ва Ригагача газ қувури фойдаланишга топширилсин. Попов номли радио завод ва микроавтобуслар заводи қурилиши тугаллансин.

Қишлоқ хўжалигини сут-гўштбоп чорвачилик ва беконбоп чўчқачилик бўйича ихтисослаштиришни давом эттириш таъминлансин. Қорамол туёғини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш ҳамда гўшт ва сут етиштиришни кўпайтириш юзасидан тадбирлар амалга оширилсин. 490 минг гектар майдондаги ерларда мелиорация ишлари ҳамда 90 минг гектар майдонда экин етиштириш учун техника ишлари амалга оширилсин. Камида 140 минг гектар сермаҳсул ўтлоқ ва яйлов барпо этилсин.

Денгиз траспорти янада ривожлантирилсин, флот замонавий кемалар билан тўлдирилсин.

Қирғизистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 45—48 процент оширилсин. Электр энергетика, машинасозлик, рангли металлургия ва енгил саноатнинг янада ривожланиши таъминлансин.

Қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш 1,7 баравар, газлама 2,8—3 баравар, устки трикотаж буюмлар 1,7 баравар ва мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 1,8 баравар кўпайтирилсин. Маданий-маиший ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Тўхтағул ГЭСи қурилиши тугаллансин ҳамда Кўрпасой ГЭСи қурилишига киришилсин. Электрон-ҳисоблаш машиналари заводи, ип газлама комбинатининг иккинчи навбати ва камволь-ип йигирув фабрикаси, Тўқмоқда гўшт комбинати қурилсин; қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи реконструкция қилинсин.

Майин жунли ва ярим майин жунли қўйчиликни янада ривожлантириш таъминлансин, ўртача йиллик жун етиштириш 30 минг тоннага етказилсин. Гўшт, сут, тамаки, мева, сабзавот етиштириш кўпайтирилсин. 30 минг гектар суғориладиган ер, Киров ва Тўртгул сув омборлари фойдаланишга топширилсин. 90 минг гектар майдонда суғориш системалари реконструкция қилинсин ва уларнинг сув билан таъминланиш даражаси оширилсин, 400 минг гектар яйловга сув чиқарилсин; мавжуд яйловларнинг сув билан таъминланиши яхшилансин.

Тожикистон ССРда электр энергетика, рангли металлургия ва машинасозлик жадал суръатлар билан ривожлантирилган ҳолда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 37—40 процент кўпайтирилсин.

Электр энергияси ҳосил қилиш 2,1 баравар, минерал ўғит ишлаб чиқариш 1,5 баравар, ип газлама 1,3 баравар, устки трикотаж 1,9 баравар, мева-сабзавот консерваси 1,5 баравар кўпайтирилсин. Маданий-маиший ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Жанубий Тожикистон территориал-ишлаб чиқариш комплексини юзага келтириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин, Норак ГЭСидаги дастлабки агрегатлар, алюминий заводи ва электр химия комбинатидаги қувватлар ишга туширилиб, уларнинг фойдаланишга топшириш муддатлари бирбирига мослаштирилсин. Анзоб кон-металлургия комбинатида қўшимча қувватлар ҳамда Термиз—Қўрғонтепа—Явон темир йўли ишга туширилсин. Душанбагача магистрал газ қувури қурилсин. Ленинободда синтетик тола заводи ҳамда чинни заводи қурилиши бошлансин. Қайроққум гилам комбинатининг қувватлари оширилсин.

1975 йилда пахта етиштириш 760 минг тоннага етказилсин; ингичка толали пахта, узум, мева, сабзавот, тамаки етиштириш кўпайтирилсин. 70 минг гектар янги суғориладиган ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилсин. Явон—Обикийик водийсидаги ерларни суғориш ва ўзлаштириш, шунингдек, Далварзин ва Мирзачўлда суғориш ишларининг иккинчи навбатини бажариш тугаллансин. Чорвачиликнинг ем-хашак базасини янада ривожлантириш ҳамда гўшт, сут, тухум етиштиришни кўпайтириш таъминлансин. 250 минг гектар яйловга сув чиқарилсин.

Арманистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 60—63 процент кўпайтирилсин. Рангли металлургия, металл кам ишлатиладиган машинасозлик корхоналари, енгил ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш таъминлансин.

Электр энергияси ҳосил қилиш 1,7 баравар, мис ишлаб чиқариш 1,3 баравар, приборлар ва автоматлаштириш воситалари 1,9 баравар, цемент 2,6 баравар, мева-сабзавот консерваси 1,6 баравар, газлама ва трикотаж буюмлар 1,3 баравар, пойафзал 1,4 баравар, холодильник 2,5 баравар ва мебель ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпайтирилсин; маданий-маиший ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш кўпайтирилсин.

Зодск олтин руда комбинати, Раздан кон-химия комбинатидаги гилмоя ва химиявий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватлар ишга туширилсин. Атом электр станцияси қурилиши авж олдирилиб, унинг дастлабки блоки ишга туширилсин, Раздан ГРЭСида қўшимча қувватлар фойдаланишга топширилсин, Воротан дарёсида ГЭСлар каскадини қуриш давом эттирилсин. Минерал ўғитлар, синтетик смола ва пластмасса ишлаб чиқариш қувватлари оширилсин.

Узум, мева, сабзавот, тамаки, эфир мойли экинлар, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш таъминлансин. 50 минг гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилсин, 130 минг гектар яйловга сув чиқарилсин.

Туркманистон ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 50 — 53 процент кўпайтирилсин, газ қазиб чиқаришнинг анча ўсиши, шунингдек нефть ва химия саноатининг юксак суръатлар билан ривожланиши таъминлансин.

Электр энергияси ҳосил қилиш 1,9 баравар, нефть қазиб чиқариш 1,5 баравар, газлама ишлаб чиқариш 1,7—1,8 баравар, чарм пойафзал 2,2 баравар, ўсимлик мойи 1,6 баравар ва мева-сабзавот консерваси ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилсин. Маданий-маиший ва рўзғор ашёлари ишлаб чиқариш анча кўпайтирилсин.

Республиканинг ғарбий ва шарқий районларидан СССРнинг Европа қисмига газ етказиб бериш учун магистрал газ қувурлари қурилсин, Чоржўй нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати ва Мари ГРЭСидаги дастлабки агрегатлар ишга туширилсин, Қорабўғозгўлнинг минерал-хом ашё ресурсларидан комплекс фойдаланиш яхшилансин. Пахта тозалаш заводларининг қувватлари оширилсин, Чоржўй ёғ-экстракция заводи қурилсин.

(Охири 6-бетда)

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛГИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ

(Боши 1, 2, 3, 4 ва 5-бетларда).

1975 йилда пахта етиштириш 900 минг тоннага етказилсин, ингичка толали пахта етиштириш айниқса кўпайтирилсин. Сабзавот, узум, полиз экинлари етиштириш кенгайтирилсин.

105 минг гектар сугориладиган ер фойдаланишга топширилсин; 200 минг гектар майдондаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилансин. Қорақум канали қурилишининг учинчи навбати зонасидаги ерларни ўзлаштириш тугаллансин ва бу канал қурилиши давом эттирилсин.

Чорвачиликнинг ем-хашак базасини анча мустаҳкамлаш тадбирлари амалга оширилсин. 3,9 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин; илгари сув чиқарилган яйловлардаги 2,3 миллион гектар майдонда гидротехника иншоотлари реконструкция қилинсин. Ҳар йили етиштириладиган жун ўрта ҳисобда 15,2 минг тоннага етказилсин, қора кўл тери, гўшт, сут ва тухум етиштириш кўпайтирилсин.

Эстония ССРда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 36—39 процент кўпайтирилсин, электро техника, приборсозлик ҳамда машинасозликнинг металл кам ишлатиладиган бошқа тармоқлари, енгил ва гўшт-сут саноатининг ривожланиши таъминлансин.

1975 йилда сланец қазиб чиқариш 26 миллион тонна, электр энергияси ҳосил қилиш 1,4 баравар, приборлар 1,5 баравар ва балиқ саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилсин.

Эстония ГРЭСи қурилиши тугаллансин ва Таллин ТЭЦи қурилиши бошлансин. Болтиқ бўйи ҳамда Эстония ГРЭСларини ёқилғи билан таъминлаш учун сланец қазиб чиқарувчи корхоналар қурилиши тезлаштирилсин. Сифати паст ёғоч-лардан ва ёғоч чиқитларидан ёғоч плиткалар ишлаб чиқариш қувватлари оширилсин.

Қишлоқ хўжалигининг янада ривожлантирилиши таъминланиб, сут-гўшт боп чорвачилик, беконбоп чўчқачилик ва картошкачилик бўйича ихтисослаштирилсин. 210 минг гектар ботқоқ ва зах ерларнинг захи қочирилсин, 150 минг гектар майдонда экин етиштириш учун техника ишлари ўтказилсин. 130 минг гектар майдонда сермаҳсул ўтлоқ ва яйлов барпо этилсин.

Таллин савдо порти ва Таллин темир йўл узелини кенгайтириш ишлари амалга оширилсин.

IX. Ташқи иқтисодий алоқалар

Иқтисодий ўзаро Ёрдам Кенгашининг аъзоси бўлган мамлакатларнинг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва бу мамлакатлар хўжалигининг иқтисодий интеграциясини изчиллик билан ривожлантириш йўлида Совет Иттифоқининг социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва илмий-техника алоқалари бутун чоралар билан такомиллаштирилсин ва кенгайтирилсин. Социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг моддий ишлаб чиқариш, фан ва техника, ташқи савдо алоқалари ҳамда учинчи мамлакатларнинг бозорларида савдо юритиш соҳаларини ўз ичига олувчи комплекс формалари планли асосда ривожлантирилсин.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро ишлаб чиқариш кооперациясини ҳамда ихтисослаштиришнинг самарали формаларини янада ривожлантиришга, саноатнинг ёқилғи-энергетика ва хом ашё тармоқларининг маҳсулотларига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида бу тармоқларни ривожлантириш учун манфаатдор социалистик мамлакатларнинг ресурсларини ўзаро фойдали тарзда бирлаштиришга, кенгайиб бораётган товар айирбошлашни таъминлаш ҳамда транспорт ва алоқа соҳасидаги техника тараққиётини ҳисобга олган ҳолда транспорт ва алоқа воситаларини ривожлантириш ва рационализация қилишга қаратилган йўл ўтказилсин.

Осиё — Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан ўзаро манфаатдорлик шартлари асосида ҳамда уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб улар билан барқарор ташқи иқтисодий ва илмий-техника алоқаларини ривожлантириш давом эттирилсин.

Саноати ривожланган ҳамда бу соҳаларда Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш истагини билдирган капиталистик мамлакатлар билан иқтисодий жиҳатдан манфаатли ташқи савдо ва илмий-техника алоқалари кенгайтирилсин.

Беш йилликда биринчи навбатда социалистик мамлакатлар билан савдони бутун чоралар билан кенгайтириш ҳисобига ташқи савдо оборотининг ҳажми 33—35 процент кўпайтирилсин.

Ташқи иқтисодий алоқаларнинг методлари ва формалари такомиллаштирилсин. Халқ хўжалиги учун самарали бўлган ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда министрликлар ва корхоналарнинг ташаббуси ва масъулияти оширилсин. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида хўжалик ҳисоби принциплари изчиллик билан кенг ёйилсин, ташқи савдонинг барча звеноларини ва саноатнинг халқаро мажбуриятларни бажаришдан ва иқтисодий ҳамда фан-техника соҳасидаги ҳамкорликнинг юксак самарадор бўлишига эришишдан моддий манфаатдорлиги, шунингдек бу ишда уларнинг масъулияти оширилсин.

X. Бошқариш ва планлаштиришни такомиллаштириш

Бошқариш ва планлаштириш системаси ва методларини такомиллаштириш, аввало, ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштиришга ҳамда унинг самарадорлигини оширишни таъминлашга қаратилиши керак. Бу эса мамлакатнинг яқин йилларга ҳам, узоқ истиқболга ҳам мўлжалланган иқтисодий тараққиётининг асосий йўли, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишнинг муҳим шартидир.

Шу мақсадда:

ишлаб чиқаришни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш системасининг янада такомиллаштирилишини таъминлаш, янги беш йилликда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги барча хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларни планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларига ўтказиш тугаллансин.

Аввало планларнинг баланслашувини яхшилаш социал-иқтисодий проблемаларни, фан техника тараққиёти проблемаларни ва тармоқлараро характердаги масалаларни чуқурроқ ишлаб чиқиш йўли билан планларнинг илмий жиҳатдан асосланиш даражаси оширилсин.

Планларнинг бажарилиши устидан контроль соҳасида ҳамда план топшириқларинг бажарилишини ва халқ хўжалигини пропорционал ривожлантиришни таъминловчи тадбирларни ишлаб чиқиш соҳасида план органларининг иши кучайтирилсин.

Халқ хўжалигини ривожлантиришни перспектив планлаштириш методлари яхшилансин.

Шу нарса белгилаб қўйилсинки, корхоналар ва колхозлар СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик топшириқларига асосланиб, энг кам меҳнат ва моддий ресурслар сарфлаган ҳолда беш йиллик топшириқларининг бажарилишини таъминловчи ўз беш йиллик планларини ишлаб чиқадилар.

1971 — 1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планни тузишга ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчиларни актив иштирок этишга кенг жалб қилиш таъминлансин.

Жамият учун зарур маҳсулот, айниқса янги, техника жиҳатидан мукаммал маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан ҳамда меҳнат унумдорлигининг ўсишини жадаллаштириб, мавжуд корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишини ходимлар сонини кўпайтирмаган ҳолда таъминлашдан корхоналар ва ишлаб чиқариш бирлашмаларининг манфаатдорлиги кучайтирилсин.

Мавжуд ишлаб чиқариш фондларидан интенсив фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш имкониятларини максимал даражада хисобга олувчи оптимал планларни ишлаб чиқиш соҳасида корхоналар ва бирлашмаларнинг манфаатдорлиги ва масъулияти оширилсин.

Хўжаликнинг барча тармоқларида ва корхоналарда фан-техника тараққиётини планлаштириш ва рағбатлантириш яхшилансин. Энг кам меҳнат, моддий ресурс ва капитал маблағ сарфлаган ҳолда ишлаб чиқаришда энг юксак натижаларга эришишдан корхоналар, бирлашмалар ва министрликларнинг хўжалик ҳисоби жиҳатидан манфаатдорлигини, шунингдек бу ишда уларнинг масъулиятини ошириш таъминлансин. Бу вазифаларни ҳал этишда узоқ вақт амал қилувчи иш ҳақининг, иқтисодий нормативларнинг рағбатлантирувчи роли оширилсин.

Иш ҳақи фондларини планлаштириш яхшилансин ва бу фондларни сарфлаш устидан контроль кучайтирилсин. Иш ҳақи фондининг тўғри сарфланиши устидан корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулияти оширилсин.

Илмий-техника ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда фан соҳасидаги янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этишни тезлаштириш мақсадида илмий-тадқиқот, лойиҳалаш ва конструкторлик ташкилотлари фаолиятида хўжалик ҳисобининг роли оширилсин.

Саноат маҳсулотига улгуржи нархлар белгилашни янада такомиллаштириш тадбирлари амалга оширилсин. Техника тараққиётини рағбатлантиришда ва маҳсулот сифатини яхшилашда улгуржи нархларнинг роли оширилсин.

Давлат даромадларининг асосий манбаи бўлган фойдани планлаштириш яхшилансин, фойданинг ташкил топишида маҳсулот таннархини камайтиришнинг роли оширилсин.

Ишлаб чиқариш резервларини тўлароқ сафарбар этишга ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга молия ва банк органларининг таъсири кучайтирилсин. Техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш манфаатлари йўлида молия-кредит механизмидан кенгроқ фойдаланилсин.

Халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш давом эттирилсин. Саноатда бошқаришнинг икки ва уч звеноли системасига ўтиш таъминлансин. Муайян тармоқда тайёрланадиган маҳсулотга бўлган ижтимоий талабни тўла қондириш учун, бу маҳсулотнинг техника даражаси ва сифати учун министрликларнинг жавобгарлиги кескин оширилсин. Тармоқ бўйича бошқаришнинг юқори звеноси бўлган министрликлар яшини яхшилаш юзасидан тадбирлар амалга оширилсин.

Тармоқни перспектив ривожлантириш масалаларига, техника сиёсати, капитал маблағлар самарадорлигини ошириш, мутахассисларни жой-жойига қўйиш ва улардан фойдаланиш яхшилаш масалаларига министрликларнинг эътибори кучайтирилсин. Ишлаб чиқаришга раҳбарликнинг оперативлиги ва компетентлиги оширилсин.

Хўжаликни тармоқлар бўйича бошқаришнинг ўрта звеносидаги иш такомиллаштирилсин. Ишлаб чиқаришни марказлаштириш ва кооперативлаштириш, корхоналарни иҳтисослаштириш, улар ўртасидаги хўжалик алоқаларини рационализациялаш, айрим тармоқларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда йирик бирлашмалар ва комбинатлар барпо этиш соҳасидаги ишлар кучайтирилсин.

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш воситаларига талабларини белгилаш ҳамда хом-ашё, материаллар, ёнилғи ва электр энергияси сарфлашнинг техника жиҳатидан асосланган нормаларини, шунингдек, ускуналар, машиналар ва механизмлардан фойдаланиш нормативларини ишлаб чиқиш методларини такомиллаштириб, бу мақсадлар учун электрон-ҳисоблаш техникаси кенг жорий этилсин, шу асосда планларда белгиланадиган ишлаб чиқариш ҳажмини, капитал қурилишини ҳамда моддий-техника ва молиявий ресурсларнинг бошқа топшириқларини тўлароқ мос келиши таъминлансин.

Халқ хўжалигидаги мавжуд резервларни аниқлаш мақсадида моддий-техника таъминоти планларини анализ қилиш ва бу планларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги иқтисодий ишлар савияси оширилсин; моддий ресурслардан фойдаланиш устидан контроль кучайтирилсин.

Корхоналар ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бевосита узоқ муддатли хўжалик алоқалари планли асосда ривожлантирилсин. Территориал таъминот-реализация базалари, омборлар ва магазинлар орқали улгуржи савдо кенгайтирилсин ва такомиллаштирилсин. Бошқаришнинг илмий методлари ҳамда электрон-ҳисоблаш техникасини кенг жорий қилиш асосида моддий-техника таъминотининг умумдавлат системаси янада такомиллаштирилсин. Таъминот-реализация ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларни рационал жойлаштириш таъминлансин.

Юкларни яхши сақлаш, уларни ташишни арзонлаштириш ва енгиллаштириш, омборларга жойлаш ва реализация қилиш, муомала ҳаражатларини камайтириш, идишларни стандартлаштириш ва унификация қилиш вазифаларини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиб, халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун идишларни лойиҳалаш, ихтисослаштирилган ҳолда ишлаб чиқариш ва улардан рационал фойдаланиш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин.

Истеъмолчиларнинг заказлари бўйича маҳсулотларнинг комплект гуруҳларини марказлаштирилган ҳолда етказиб бериш соҳасида таъминот органлари кўрсатаётган хизмат кенгайтирилсин, корхоналарни гарантияли комплекс таъминлаш жорий этилсин.

Хўжалик шартномаларининг роли ва уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилсин. Таъминот ва реализация корхоналари ва ташкилотлари ўртасидаги, шунингдек, саноат министрликларининг бош бошқармалари (бирлашмалари) билан таъминот ва реализация органлари ўртасидаги ўзаро хўжалик ҳисобидаги муносабатлар кенгайтирилсин. Колхоз ва совхозларнинг тайёрлаш ва савдо ташкилотлари билан шартнома муносабатлари, шунингдек, саноат корхоналари ва бирлашмалари билан шартнома муносабатлари мустаҳкамлансин.

Халқ хўжалигида давлат резервлари ва моддий ресурс запасларини планлаштириш, вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш механизми такомиллаштирилсин.

Халқ хўжалигини планлаштиришни ва бошқаришни такомиллаштириш мақсадида **иқтисодий-математик методларнинг кенг жорий этилиши, электрон-ҳисоблаш ва ўюштириш техникасидан ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш** таъминлансин.

Ҳисоблаш марказларининг давлат системаси ҳамда мамлакат ягона автоматик алоқа шохобчалари базасида халқ хўжалигини ҳисобга олиш, планлаштириш ва бошқариш учун ахборотларни тўплаш ва ишлаб чиқишнинг умумдавлат автоматлаштирилган системасини вужудга келтирилиши назарда тутиб, тармоқлар, территориал ташкилотлар бирлашмалар, корхоналарни планлаштириш ва бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини вужудга келтириш ва жорий этиш соҳасидаги ишлар авж олдириб юборилсин. Бунда аввал бошданоқ ана шу системанинг ташкилий, методологик ва техника жиҳатдан бирлиги принципи амалга оширилишини таъминлаш зарур.

Корхоналарда технологик процессларини бошқаришнинг автоматлаштирилган системалари кенг жорий қилинсин.

Юқори раҳбар кадрларгача бўлган ҳамма даражадаги ишлаб чиқариш ташкилотчилари **кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш системаси** изчиллик билан кенгайтирилсин ва муттасил **яхшилансин. Биринчи** навбатда марксча-ленинча иқтисодий назария, бошқариш назарияси ва практикаси, меҳнатни илмий ташкил қилиш, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методлари, иқтисодий-математика методларини ва замонавий ҳисоблаш техникасини жорий қилиш соҳаларидаги кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин. Бошқариш ва планлаштириш бўйича мутахассис бўлган малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлаш кенгайтирилсин.

Халқ хўжалигининг барча звеноларида **давлат интизоми** бутун чоралар билан **мустаҳкамлансин.** Белгиланган планлар ва топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, маҳсулот сифати учун, маблағни ва моддий ресурсларни тежаб ва оқилона сарфлаш учун, ускуналар ва ҳом ашёдан тўғри фойдаланиш учун, кооперативлаштирилган заказларни белгиланган муддатларда бажариш учун, технология интизомига риоя қилиниши учун ҳар бир хўжалик раҳбарининг масъулияти оширилсин.

Партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини текшириш партия ва совет органларининг, шунингдек халқ контроли органларининг диққат марказида бўлиши керак, чунки ишлаб чиқаришнинг ҳозирги замон шароитида бу нарса «кишиларни текшириш ва ишнинг амалий ижросини текшириш»дек ленинча талаб алоҳида актуаллик касб этмоқда.

Маъмурий бошқариш аппаратини янада такомиллаштириш ва арзонлаштириш соҳасидаги ишлар давом эттирилсин, бу аппаратдаги ортиқча звеноларга кескин кискартирилсин.

Бизнинг экономикамиз ягона план асосида ривожланмоқда, бу эса унинг юксак суръатлар билан ўсишини, унинг тармоқларини пропорционал ва самарали ривожлантиришни, меҳнаткашлар турмуш даражасининг муттасил ошиб боришини, социалистик маданиятнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминламоқда. Шу сабабли халқ хўжалигининг барча звеноларини — министрликлар, бирлашмалар, корхоналар, колхоз ва совхозлар, илмий тадқиқот, лойиҳалаш ва бошқа ташкилотлар топшириқлар беш йилликнинг ҳар бир йилига тахсимланган беш йиллик планларга эга бўлишлари зарур.

Хўжалик планларини одамлар бажарадилар. Ҳар бир совет кишиси ўз меҳнати билан коммунизм тантана қиладиган кунни яқинлаштирмоқда. Бутун мамлакатда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, фан-техника революциясининг ютуқларидан тўлароқ фойдаланишга, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни кучайтиришга ва шу асосда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт соҳасида иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган иқодий иш авж олиб кетди. Аммо ҳали кўп ишлар қилишимиз керак. Ишлаб чиқаришнинг юксак самарали бўлиши учун собит қадамлик билан олиб борилаётган кураш амалда социалистик хўжаликни юритишнинг энг муҳим шарти, барча ишлаб чиқариш коллективларининг, миллионларча меҳнаткашларнинг социалистик мусобақасида асосий мазмун бўлиб қолиши керак. Меҳнат —бойлик манбаидир, зотан ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигининг оширилиши ҳамда бутун халқ хўжалиги самарадорлигининг ўсиши совет кишиларининг ҳар бири ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшаётган ҳиссасига яраша олаётган неъматларни кўпайтиради. Миллий даромад қанча кўп бўлса, мамлакатимиз шунчалик бой бўлади, ҳар бир совет кишисининг ҳаёти шунчалик фаровон бўлади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари хўжалик қурилишининг барча участкаларида давлат планларининг бажарилишини таъминлашга қаратилган кенг сиёсий ва ташкилотчилик ишларини авж олдириб юборишлари, корхоналар, колхозлар, совхозлар фаолиятини чуқур ўрганишлари, улардаги ишнинг ахволини танқидий анализ қилишлари ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун резервларни қидириб топишлари, давлат интизомига қатъий риоя қилишига эришишлари зарур. Тўққизинчи беш йиллик планни бажариш юзасидан партия, бутун халқ олиб бораётган кундалик актив фаолият Ватанимиз қудратининг янада мустаҳкамланишини таъминлайди, коммунизм моддий-техника базасини тугал яратишни яқинлаштиради, коммунистик ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига, янги кишининг тарбияланишига ҳар томонлама ёрдам беради.

Белгиланган тадбирларни амалга оширишда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари муҳим роль ўйнайди. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ўз таъсирларини кучайтиришлари, хўжалик ва социал-маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда ўзларига берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланишлари зарур.

Касаба союзлари олдида катта вазифалар турибди. Хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм мактаби сифатида уларнинг роли ҳозир ҳар қачонгидан ҳам тўлароқ намоён бўлмоқда. Касаба союзлари меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга, фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишга янада кенгроқ жалб этишлари, социалистик мусобақа байроғини янада баланд кўтаришлари, оммани унинг ўз амалий тажрибаси асосида социалистик интизомга, меҳнат ва ижтимоий мулкка коммунистик муносабатда бўлишга ўргатишлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларини тажрибасини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашлари ва ёйишлари, меҳнаткашларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашда кўпроқ ташаббус ва қатъият кўрсатишлари, меҳнат қонунларига риоя қилинишини жиддий назорат қилиб туришлари зарур.

Тўққизинчи беш йиллик планни бажаришга Ленин комсомоли ва барча совет ёшлари муҳим ҳисса қўшишлари лозим. Ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, совет интеллигенцияси сафига ҳозирги замон фан-техника революцияси шароитида вужудга келаётган мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қодир бўлган маданиятли, техника жиҳатдан саводли ўринбосарлар тобора кўп келиб қўшилмоқда. Ҳамиша янгилик туйғуси билан сугорилган ёшларга ташаббус, ғайрат кўрсатиш, билимларини ишга солиш учун жуда кенг майдон очилмоқда, зотан ёшлар янги, мукаммал техникани яратиш учун, уни халқ хўжалигининг барча тармоқларига қатъият билан жорий этиш учун, меҳнат унумдорлиги ва маданиятини ошириш учун, кундалик ҳаётда янги, чинакам коммунистик ижтимоий муносабатларни ва коммунистик ахлоқнинг олижаноб принципларини қарор топтириш учун курашнинг биринчи сафларида боришлари зарур.

Тўққизинчи беш йиллик планнинг бажарилиши катта халқаро аҳамиятга эга бўлади. Совет экономикасининг ўсиши жаҳон социалистик ҳамдўстлиги кучларининг янада мустаҳкамланишига ҳизмат қилади, планли социалистик хўжалик системасининг афзалликларини яна бир марта намойиш қилади. Совет халқи беш йилликни бажариш билан тинчлик, демократия ва социализм учун курашаётган барча кучларнинг жипслашувига муносиб ҳисса қўшади.

Беш йиллик план Совет Иттифоқи мудофаа қудратининг янада ўсишини таъминлайди, бу эса совет халқини, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг барчасини империалистик агрессия хавфидан янада ишончлирок тарзда сақлаш имконини беради, бутун дунёдаги тинчликсевар ва эркпарвар кучлар позициясини мустаҳкамлайди.

Мамлакатимиз қадам қўйган беш йиллик социализм афзалликларининг янги ишончли далили, коммунизм сари ташланган муҳим қадам бўлади.

КПСС XXIV съезди қатъиян ишонч билдириб айтадики, Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари янги беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарибгина қолмай, балки ортиғи билан бажариш учун ҳам бутун куч-гайратларини сарфлайдилар.

СССР САНОАТИ 1971 ЙИЛ ЯНВАРИДА

Маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва саноат маҳсулотининг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан январь ойи плани ошириб бажарилди.

1971 йил январида саноат ишлаб чиқариши ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,9 процент, ўртача суткалик ишлаб чиқариш бўйича эса (1971 йил январида ўтган йилнинг январига нисбатан бир иш куни кам бўлди) 9,6 процент кўпайди.

Шу йил январь ойида меҳнат унумдорлиги 5,5 процент ошди.

Айрим министрликларга доир маълумотлар қуйида келтирилади:

	Маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш процентн	1971 йил январида 1970 йил январига нисбатан ҳисобида процент: ишлаб чиқариш ҳажми	меҳнат унумдорлиги
СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	100,3	106	104
Нефть саноати министрлиги	99,9	107	106
СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлиги	100,9	107	106
Газ саноати министрлиги	102	110	106
СССР кўмир саноати министрлиги	104	102	104
СССР Қора металлургия министрлиги	100,7	105	106
СССР Рангли металлургия министрлиги	100,3	105	105
Химия саноати министрлиги	102	113	110
Оғир, энергетика ва транспорт машинасозлиги министрлиги	100,2	105	105
Электр техника саноати министрлиги	101	106	104
Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	101	107	106
Станоксозлик ва асбобсозлик саноати министрлиги	100	106	105
Приборсозлик, автоматлаштириш воситалари ва бошқарув системалари министрлиги	101	120	115
Автомобиль саноати министрлиги	100,8	110	105
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	101	106	105
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги	99,5	109	107
Енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ва рўзғор асбоблари министрлиги	101	109	107
СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлиги	99,6	105	106
Целлюлоза-қоғоз саноати министрлиги	102	107	107
СССР биокорлик материаллари саноати министрлиги	101	109	107
СССР Енгил саноат министрлиги	100,9	105	106
СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги	102	106	106
СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги	103	110	106
СССР Балиқ хўжалиги министрлиги	104	93	93
СССР Тайёрлаш министрлиги	105	107	106
Медицина саноати министрлиги	102	109	105
СССР Министрлар Совети ҳузуридаги микробиология саноати бош бошқармаси	100,1	104	101

СССР Марказий статистика бошқармасининг ахбороти

Иттифоқдош республикаларда маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари (иттифоқ карамоғидаги саноат ҳам қўшиб ҳисобланган) қуйидагича бўлди:

	1971 йил планининг бажарилиш процентн	1971 йил январида 1970 йил январига нисбатан процент ҳисобида
РСФСР	100,8	106
Украина ССР	102	108
Белоруссия ССР	102	111
Ўзбекистон ССР	103	113
Қозоғистон ССР	100,8	101
Грузия ССР	100	104
Озарбайжон ССР	100,9	105
Литва ССР	100,3	107
Молдавия ССР	103	108
Латвия ССР	102	108
Қирғизистон ССР	104	111
Тожикистон ССР	103	113
Арманистон ССР	100	109
Туркманистон ССР	103	114
Эстония ССР	102	107

Маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича январь ойи планини нефть саноати, қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлик, СССР ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрликларидан ташқари (бу министрликлар планни бирмунча камроқ бажарди) ҳамма иттифоқдош республикалар ва министрликлар бажарди.

Кўпчилик энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш январь плани бажарилган ҳолда, айрим министрликлар маҳсулотининг баъзи турларини, жумладан, тўқув станоклари, тепловозлар, юк вагонлари, экскаваторлар, иморатбоп ёғоч, ип газлама, жун газлама ва энгир толасидан тўқилган газлама, чарм пойафзал, озиқ-овқат буладиган балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш планининг бажарилишини таъминламади.

Минерал ўғитлар, олтингугурт кислотаси, пластмасса ва синтетик смолалар, химиявий толалар, приборлар, автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси воситалари, автомобиллар, цемент, радиоприемник ва радиолалар, канд-шакар, ўсимлик ёғи ва маҳсулотнинг бошқа бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқаришда анча ўсишга эришилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

№ А—1688. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 01231.